



MILLIY TIKLANISH

37 (45) 2009 йил 23 сентябрь, чоршанба

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliy@sarkor.uz



Ўзбекининг қадрияти дунё кезмокда
Маълумки, илдизлари теран дарахт бакувват бўлади, узок умр кўради. Томирига болта урилса ҳамки, иккинчи бир жойдан униб чиқади.

→ 5-бет



Эртанги кунга ишонч

Мустақиллик йилларида қишлоқларнинг кўриниши тубдан ўзгарди, янги қиёфа касб этди. Замонавий маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, гўзаллик салонлари, касб-хунар коллежлари қишлоқ жамолига ўзгача кўрк бағишляпти.

→ 6-бет



Ахборот-ресурс маркази

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»-ги қарорига биноан Бешариқ туман маданият ва спорт ишларига қарашли болалар кутубхонаси фонди халқ таълими бўлимига ўтказилиб, янги ахборот-ресурс маркази ташкил қилинди.

→ 8-бет

MT

БУГУНГИ СОНДА:

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ	2-бет
Сайлов тўғрисидаги қонунларни биласизми?	
ПАРТИЯ ҲАЁТИ	3-бет
Жамоатчилик назорати	
Сўздан амалиётга ўтиш фурсати келди	
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ	4-бет
Қонун тили	
Саян-Шушенск ГЭСи тўғони машина зали устига силжиб, босиб қолди	
МАЪНАВИЯТ	5-бет
Хом гиштга айланаётган ёдгорлик	
Мутлола байрами — 2009	
ЖАРАЁН	6-бет
Сотилган келин	
Сохта савдонинг сохта раҳбарлари	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
Қошиғи қозонга етмаганлар	
Мисршунослик асосчиси	
КЎЗГУ	8-бет
Лангар ота	
Санъатга ошуфта кўнгил	
Турфа олам	

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Фракция йиғилиши

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди. Йиғилишни партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Турсунов олиб борди.

Фракция йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилиши муҳокамасига киритилиши назарда тутилган қонун лойиҳалари ҳамда

партия ҳаётига доир муҳим масалалар муҳокама қилинди. Дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғри-



сидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Худоёр Маматов тушунтириш берди:

(Давоми 3-бетда)

Марказий Сайлов Комиссиясида

17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Маълумки, шу йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари тугайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь куни ўтказилиши лозим.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси шу йилнинг 22 сентябридан бошланиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

Саян-Шушенск ГЭСи тўғони машина зали устига силжиб, босиб қолди

Саян-Шушенск ГЭСида содир бўлган авария жуда кенг доирадаги жамоатчилик диққат-эътиборини ўзига қаратди. Гидроэнергетикадаги бу йирик фалокат тўғрисида расмий хулосалар чиқарилишига ҳали бир оз муддат бор. Ҳозирча эса, соҳанинг нуфузли мутахассислари ўртасида гидроэнергетика дурдонаси, деб тан олинган станцияда нима воқеа юз берганилиги тўғрисида баҳслашувлар давом этаётти. Саян-Шушенск ГЭСи тўғонини 12 йилдан бери ўрганаётган техника фаъллари доктори Владимир Тетельмин гидротехника соҳасидаги етакчи экспертлардан бири саналади. У биринчи ва иккинчи қақриқ Россия Давлат Думаси депутати, «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг муаллифларидан биридир. Шарҳловчи Сергей Лесков билан қилган суҳбатда профессор В.Тетельмин Россиянинг ушбу маҳобатли гидростанциясида рўй берган фожиага доир ўз қарашларини баён этди.

— Владимир Владимирович, Саян-Шушенск ГЭСига тааллуқли дастлабки таассуротимни айтадиган бўлсам, энг аввало, унинг гоётада баҳайбат иншоот

эканини таъкидлашимга тўғри келади. Бироқ Миср эҳромлари ва қальа деворларидан фарқли ўларок, ушбу станция кудратли гидромашиналардан

тортиб, ўта сезгир тензорларгача бўлган мураккаб жиҳозлардан тикланган. Ташқаридан кузатган кишига тўғон бамисоли баҳайбат харсангдай бўлиб

туполади. Аслида эса, минглаб шахталардан таркиб топган ҷумоли уясининг худди ўзгинасидир. Бундай аҳволда қурилишнинг ички тархи кутилганидан анча мураккабдай бўлиб туюлмайди, кишига? Ва жаҳонда қисси топилайдиган бундай аркасимон-гравитацияли қурилманинг ўзи нима?

— Гравитацияли (тортишувчан) тўғонлар асоси дарёнинг тубига таянади, аркасимон тўғонлар эса дарё қирғоқларига мустаҳкам туташтирилиб бунёд этилади. Узунлиги бир километрдан кўпроқ, баландлиги эса 250 метрга яқин бўлган Саян-Шушенск ГЭСини барпо этишда тўғон қурилишининг хар икки тамойилига ҳам амал

қилинган. Ва бу ҳолат тўғоннинг атроф-муҳитдаги шарт-шароитларга ўта таъсирчанлигини юзага келтиради. Тўғоннинг пойдевори сув остида кўринмайди, бироқ унинг баландлиги, аслида 100 метрдан зиёдрок. Енисейнинг сўл томонидаги соҳил ўта даражада майин, юмшоқ ортосланецли туپроқ қатламидан иборат.

Гидротехниклар учун сувнинг тўғон олдидаги шитоби ҳал қилувчи аҳамиятлидир. Сувнинг юқори сатҳидаги тебраниши беҳад катта бўлиб, мавсумда 40 метргача етади, ҳарорат эса 30 даражада иссиқ ва 30 даражада совуқлик ўртасида ўзгариб туради. Бу жуда жиддий кўрсаткичлардир, лекин мазкур тўғон лойиҳалаштирилган индустриализациялаштириш ва маҳобатга берилишлар даврида ҳайбаракаллачилик авжига чиқиб, экологик талабларга асло риоя қилинмади. Саян-Шушенск ГЭСи, бу — ички сиру синопталари одамлар назаридан ниҳоятда пинҳон бўлган баҳайбат «қора қути»нинг худди ўзидир.

(Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари 2009 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь куни ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни сайлов қонунчилиги, умумэтироф этилган халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқароларга давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2009 йил 22 сентябрдан бошланиши эълон қилинсин.

(Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ИЖТИМОЙ ФИКР

Жамоатчилик назорати

сиёсий партиялар фаолиятининг зарур сифатларига айланмоғи керак, дейди ЎзМТДП МК Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев

- Кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан бири — бу кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва мазкур тизимни демократлаштириш ҳамда ривожлантириш. Маълумки мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан буён сиёсий партияларнинг ўз олдларига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга ошириши учун кенг имкониятлар яратиш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини кучайтиришига қаратилган мустақам ҳуқуқий база яратилди. Бу каби ижобий жараёнларнинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари интилаётган мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаётига кўрсатаётган таъсири ҳақида гапирсангиз.

билан бир қаторда мазкур Конституциявий Қонунда белгилаб қўйилганидек, давлат бошқарув органлари ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш сиёсий партияларнинг энг долзарб вазифасига айланади. Барчага маълумки, ушбу қонунлар ҳуқуқат ва ҳокимлар фаолиятига сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг бевоқиф таъсир кўрсатиш механизми яратди. Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳлари жойларда амалга оширилаётган ижтимоий иқтисодий ислохотлар жараёнининг етакчи кучига айланиши учун ҳуқуқий имконият яратилди. Албатта, бундай ҳуқуқлар, шу билан бирга юқсак масъулият сиёсий партиялардан етуқликни, жамиятда ўз ўрнини топишни, яъни ташаббускорлик ва фаолликни тақозо этади.

- Жамиятнинг сиёсий ти-

- ҳамма ватандошлар бир ёқадан бош чиқариб, амалга оширилаётган ислохотлар суръатини, уларнинг сифатини, ислохот бошида турган раҳбарларнинг ғайратини, лаёқатини ҳолисона ўрганиб, ҳолисона назорат қилиб, уларнинг ютуқларини эътироф этиб, камчиликларини рўй-роб оқиб ташлашимиз керак.

- Табиийки, жамиятда жамоатчилик назоратини тақомиллаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли катта. Бу борада ЎзМТДП фаолияти қонқарилми?

- ЎзМТДП Дастурининг биринчи бўлимида партиянинг умумсиёсий вазифаларидан бири сифатида, «...жамоат назоратини кучайтириш, сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари, шунингдек, давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари вақолатларидан кенг ва самарали фойдаланиш орқали давлат бошқарув органларининг фаолиятидаги таъмағирлик, коррупция, маҳаллийчилик ва қариндош-уруғчиликка, қозғозбозлик, фуқароларнинг эътиёжларига нисбатан лоқайдлик ва бошқа салбий ҳолатларга барҳам бериш» белгиланган. Лекин, очиги тан олиб айтиш кераки, бу борада партиямиз фаолияти билан мақтана олмаيمиз. Тўғри, Қонунчилик палатасидаги депутатларимиз фаолиятида фаоллик сезилсада, аммо жойлардаги депутатлик гуруҳларимиз ишидан қониқиб ҳосил қилиш қийин. Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда ислохотлар давом этмоқда, уларнинг асосий қисми жойларда амалга оширилмоқда. Бу қилшқ хўжалиги, саноат, ижтимоий ёки маънавий соҳада дейсизми, аммо у ерда камчилик ёки ҳатоликлар йўқми? Жойлардаги фаолларимиз, ЎзМТДПнинг маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳларининг бевосита жамоатчилик назорати борасидаги фаолияти жуда суғ.

Давлатимиз раҳбари 2005 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Ҳеч шубҳасиз, менинг назаримда, депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳуқумат жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътибори ортиб бориши, мавқеи мустақамлашиши билан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик

ўринлар учун рақобат курашидаги салоҳиятини юзага чиқариш қулай имкониятидир.

Янги ҳуқуқий меъёрлар сиёсий партияларга парламент раҳбарияти ва парламентнинг, шунингдек ҳуқуматнинг ва жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларининг таркибий бўлинмаларини шакллантиришда катта вақолатлар беради. Сиёсий партияларнинг бутун бошли ижроия ҳокимияти тизими — ҳуқуматдан ва маҳаллий ҳокимият органлари устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг ҳуқуқий асослари яратилгани уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини ва амалий аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилади.

- Ушбу ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришлар сиёсий партияларга ҳозирданок электро манфаатлари ҳамда ўз дастурий вазифаларини қатъий ғимоя қилиш имконини берди. Айниқса, партияларнинг мамлакат парламентига сайловда иштирок этишига оид янги ҳуқуқий шарт-шароитларни алоҳида таъкидлаш жоиз деб ўйлайман. Бу ўзгаришлар сиёсий партияларнинг сайловга тайёргарлик тизимига қай даражада таъсир кўрсатади?

- Дарҳақиқат, 2009 йилги сайлов партиявий-сиёсий тизимда пайдо бўлган янги таъмағирликларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Зеро, бу йилги сайлов сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар томонидан аввал қўлланган шакл, усул ва технологиялардан тубдан фарқ қилади.

Конституциявий Қонуннинг сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишдаги ролини оширишга қаратилган меъёрлари, шунингдек, сайлов қонунчилигига киритилган янги ўзгариш ва қўшимчалар партияларнинг барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларига бўлажак сайловда иштирок этиши билан боғлиқ стратегияни ишлаб чиқишда янгица ёндашувларни тақозо қилади.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарига жамиятда ошқоралик ва ҳалқ назоратини янада кучайтиришнинг зарурлиги ҳақида таъкидлаб шундай ёзади: «Энг аввало сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилиниши, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фол иштирок этишлари зарур. Бошқача айтганда улар ўз истиқболлари қай тарзда белгиланаётганлигидан хабардор бўлиб туришлари керак. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқи ва эркинликларини ғимоя қила олиши лозим. Бунинг учун аввало мамлакат аҳолисининг

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

Сўздан амалиётга ўтиш фурсати келди

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида бўлиб ўтган тадбирда муҳокама қилинган мавзу борасида ана шундай ҳулосага келинди

Ўзбекистон «Миллий тиклаш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан юртимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб, Тошкент вилояти Зангиота туманида «Мустақиллик йилларида маънавий юксалиш жараёнида тарихий обидаларни асраш: муаммо ва ечимлар» мавзусида тадбир ташкил қилинди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, партия Марказий Кенгаши ва Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия Кўмитаси девончи ходимлари, партия туман ва шаҳар кенгашлари Ижроия кўмиталари раислари, республикамиздаги таниқли тарихчи олимлар ва зиёлилар, туман ҳокимлиги мутасаддилари, шунингдек ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир маънавиятимиз ва миллий қадриятларимиз асоси бўлган тарихимизни, шу жумладан тарихий обида ва ёдгорликларга нисбатан ҳалқимиз миллий дунёқараш, гурури ҳамда маданиятини юксалтириш, айниқса ёшларимизда буюқ тарихимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш, ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларга бебаҳо бойлик сифатида қараш ҳиссини ўйотиш, бу масалага кенг жамоатчиликнинг эътибори ва иштирокини жалб қилиш ҳамда аҳолига кенгроқ тушунтириш мақсадида ташкил этилди.

Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ш.Умарова очди ҳамда ўтказилган тадбирнинг мақсади ва вазифаларига тўхталиб. Нотиж ўз сўзида ҳалқимизнинг бой ва бетакрор тарихи ва аънаълари, мустақиллик шарофати билан ўзгариб бораётган тафаккури ва дунёқараш бунёдкорлик салоҳиятидан куч олаётгани, жамиятимизда кечаётган ўзгаришлар ва янгилашиллар натижасида бугун мамлакатимиз ўз тарихий тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйганлигини эътироф этди.

Тадбирда сўзга чиққан маърузачилар томонидан айтиб

ўтилганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ муҳтарам Ўртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида қаровисиз қолган тарихий обидалар ва ёдгорликлар, тарихий мажмуалар ва алломалар зиёратгоҳлари, шунингдек муқаддас қадамжолар қайта тикланиб, асл ҳолига қайтарилди. Ҳозирги кунда мазкур осори-атиқалар давлат ҳимоясига олиниб, махсус Давлат дастурлари ишлаб чиқилган ҳамда бу борада эътиборга молик салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу ўз навбатида ҳар бир фуқародан ҳам энг аввало масъулият, фол фуқаролик позицияси, эгаллик туйғусини талаб этади.

Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан «Археология мероси объектларини муҳофизат қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Маданий мерос объектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши ва олиб қилиниши ҳақидаги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Архив иши тўғрисида» ва «Музейлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқилганлиги ва бундан ташқари археология ва маданий мерос объектларини муҳофизат қилиш борасида олиб борилаётган бир қатор ишлар ҳақида батафсил тушунтиришлар берилиши тадбирнинг янада жонлиниши ва мазмунан бойишига олиб келди.

Таъкидлаш жоизки, партиянинг ҳудудий Кенгашлари томонидан жойлардаги тарихий ёдгорликларни асраш ва қайта тиклаш борасида бир қатор ишлар олиб борилоқда. Жумладан, жорий йилда Сирдарё вилояти Сардоба туманида жойлашган Сардоба тарихий ёдгорлиги ЎзМТДП Сардоба туман кенгаши ташаббуси билан қайта тикланганлиги, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги «Қўқ Тўғли Ота Муссаиф Фози» зияратгоҳи партиянинг туман кенгаши сайланган депутатлар сайёҳлик ҳаракати билан хашар усулида қайта таъмирланганлиги, ЎзМТДПнинг ҳалқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Самарқанд шаҳридаги ет-

ти таъмирғалаб тарихий обида ва зиёратгоҳлар, шунингдек Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги таъмирғалаб тарихий ёдгорликлар ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда қайта таъмирланганлиги фикримизга яққол мисол бўла олади. Аммо, айна қўлда баъзи тарихий мерос объектларида муҳофизат белгилари ўрнатилмаганлиги, тарихий обидаларни номлашда чалқашликлар мавжудлиги, айрим ҳудудларда уларнинг давлат кадастрига киритилмаганлиги, ушбу тарихий обидаларни таъмирлаш ва муҳофизат қилиш масалалари маҳаллий ижро органлари ва тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарлари томонидан пайсалга солинганлиги каби ечимини кутиётган талабгина муаммолар ҳам мавжудлигидан қўзғола олмаимиз. Бу эса ўз навбатида партия ташкилотлари олдида ҳам қилиниши керак бўлган қатор вазифаларни қўяди. Йилгилишда масаланинг айна шу жиҳатларига ҳам эътибор қаратилади.

Ҳар бир иншоот ҳалқнинг меҳнати эвазига вужудга келган. Обидаларни асраш дегани бу фақат қадимийларинигина эмас, балки ҳалққа хизмат қилувчи барча биноларни асраш ҳамдир, дейди тумандаги 41-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Ҳабибулло Шерикбоев. Лекин, айрим тарихий жойлар ва иншоотларнинг, шу жумладан маданият ўйларининг моддий таъминоти, маънавий бойлиги ва аҳолига хизмат қилиши бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Аминманки, уларнинг қайси-дир омиллар тўғрисида қаровисиз қолаётганлиги ЎзМТДПдан сайланган маҳаллий кенгашлар депутатлари зиммасига ҳам масъулият юкляди. Тўғри, бундай ишларни амалга оширадиган мутасадди ташкилотлар бор. Лекин улар эътиборидан четда қолаётган бу каби масалалар ечимини топишда депутатлар сўздан амалий натижаларга ўтиш фурсати келганини аглашлари лозим бўлади.

Айтиш кераки, бундай тадбирларнинг жойларда мунтазам ўтказилиши аҳоли маънавий ва маданий савиясининг ошиши учун ижобий таъсир кўрсатади.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига» ўтишда аввало фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлган сиёсий партияларни ривожлантириш, яъни кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва бу тизимни янада демократлаштириш вазифалари сиёсий ислохотларнинг муҳим жиҳатларини ташкил этади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, қасаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат ношароит ташкилотлари фуқаролик жамиятининг нафақат асосини ташкил этадиган, балки мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб берадиган асосий институтлардир. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кишиларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси устувор аҳамият касб этиши шарт.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига» ўтишда аввало фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлган сиёсий партияларни ривожлантириш, яъни кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва бу тизимни янада демократлаштириш вазифалари сиёсий ислохотларнинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Сиёсий партияларнинг ролини оширишдан асосий мақсад — Ватанимиз тараққиётида фуқароларнинг фол иштирокини таъминлаш, давлат сиёсатини ҳалқ иродаси асосида юритиш амалиётини ўрнатиш, қабул қилинаётган қонунларда аҳоли умумманфаатларининг кенгроқ фойдаланишига эришиш, жамиятдаги ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатларини мутаносиблаштириш, аҳолининг сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш ва ниҳоят, фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий давлат асосларини шакллантиришдир.

Бугун Ўзбекистондаги сиёсий партиялар бирмунча тажрибага эга бўлди. Мамлакатимиздаги демократик жараёнларни ривожлантиришнинг мустақам ҳуқуқий базаси шаклланди. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан демократик янгилаш, давлат бошқаруви ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнида сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши жамиятимизда амалга оширилаётган демократлаштириш жараёнининг мантқиқий давоми бўлди деб айтиш мумкин.

Эндиликда сиёсий партиялардан ҳам давлат бошқаруви органлари ва ижроия ҳокимиятлар қатори республикада амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-сиёсий ислохотлар, барча соҳалардаги мақсадли вазифалар тақдирини Учун масъулиятни зиммаларига олишлари талаб этилади. Шу

зиимида сиёсий партияларнинг асосий функцияларидан бири — ижтимоий манфаатларни ёфода этиш ва саралаш. Бу жараёни айнан сиёсий партиялар томонидан амалга оширилишида қандай муҳим жиҳатларни қўриш мумкин?

- Маълумки, ҳар қандай сиёсий партия маълум бир гуруҳга, ижтимоий қатламга таянади ва унинг манфаатларини илгарти суради. Яъни, жамиятнинг барча аъзоларига тегишли партия бўлмайди. Демак ҳар бир партия ўз олдига савол қўйиши керак, яъни «Мен ўзим таянадиган ижтимоий қатлам учун нима қилишимиз?», «Ушбу қатламнинг қандай муаммоси ёки манфаати бор?», «Бунинг учун нима қилишимиз?», «Бунинг учун кўп нарса керак эмас. Партияни қўллаб-қувватловчи гуруҳ, сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиш (айниқса, жойларда) ва мавжуд оддий ҳаётий муаммолар ечимидан қочмаслик. Айнан шу жараёнда партиянинг бошланғич ташкилотлари муҳим аҳамият касб этади. Агарда, шу жойда лаёқатли мутахассис фаолият олиб борса муаммо тезда ҳал бўлади. Бу эса ўз навбатида партия етакчилари, ходимлари малакаси билан боғлиқ. Бугун ахборотлар тез алмашинувчи, ўзгариши жараёнида кишилар ҳам ўз малакасини, билимини янгилаб туриши, ўз устида ишлаши давр тақозосидир. Шу жумладан партия ходимлари ҳам. Бугун қайси партия ташкилий жиҳатдан уюшган, кучли мафкура базасини яратган бўлса, устунликни ўз қўлига олади.

Сиёсий партиянинг жамиятдаги функциялари ҳаётдаги масалани ўрганиш унинг сиёсий тараққиётдаги ўрни ва ролини тушуниб етиши, мақсадларини яшироқ тасаввур этишга ёрдам беради. Юқорида таъкидлаганингиздек ижтимоий манфаатларни ёфода этиш ва саралаш сиёсий партияларнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Манфаатларни гуруҳлар ҳам ёфода этишлари мумкин, лекин фақат партияларгина уларни марказий давлат органларининг қарорларига таъсир кўрсатадиган шаклда бир бутун қилиб бирлаштира оладилар.

Жамоатчилик назорати борасида Президентимиз Ислам Каримов 1999 йилда қўйидаги фикрларни билдирган эди: «Жамоат назоратининг туб моҳияти шулким, барча жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари, ҳалқ депутатлари ва фаоллар, бординки, ёшу кекса, эрқагу аёл

Конституциявий Қонуннинг сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишдаги ролини оширишга қаратилган меъёрлари, шунингдек, сайлов қонунчилигига киритилган янги ўзгариш ва қўшимчалар партияларнинг барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларига бўлажак сайловда иштирок этиши билан боғлиқ стратегияни ишлаб чиқишда янгица ёндашувларни тақозо қилади.

назоратнинг асосий воситасига айланади», деб таъкидлаган эдилар. Агар мана шу ўтган қўрсқа даврга назар ташласак, юқорида тилга олинган жамоат ташкилотларининг ролини оширишга қаратилган бир қатор қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун партиялар салоҳиятини ишга солиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратди, партиялар фаолигини оширишга ва Ўзбекистон сиёсий маҳонида рақобатни қўллаб-қувватлашга туртки берди. Яратилган сиёсий-ҳуқуқий шарт-шароитлар сиёсий партияларнинг барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларидаги

ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур. Шу билан бир вақтда ҳар бир инсон тураларча ўзбошимчиликдан, қонунсизликдан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги амин бўлмоғи керак. Бу жараёнда сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат жамоа ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли беккиё аҳамият касб этади».

Ҳар бир сиёсий партия ўз мақсад ва вазифаларига эга ва бу йўлда фаолият олиб боради, аммо уларнинг барчаси учун умумий бўлган мақсад борки, бу ҳам бўлса Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва Ҳалқ фаровонлигидир.

«Milliy tiklanish» мухбири Гулбахор УМУРЗОҚОВА сўхбатлашди

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Фракция йиғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда)

- Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йилнинг март ойида ратификация қилинган ХМТнинг «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шойилч чоралар тўғрисида»ги Конвенцияларни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режасининг 2-бандини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган. Шунингдек, амалдаги қонунчиликда вояга етмаганлар меҳнатидан ноқулай шароитдаги ишларда фойдаланганлиги учун ота-оналар ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилмаган. Аммо меҳнат ҳуқуқи ва меҳнатий муҳофизат қилишга оид қонунчиликда вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларга қўшимча имтиёз ва қафолатлар бериш белги-ландан бўлсада, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда вояга етмаганлар меҳнатига оид ҳуқуқбузарлик қилганлиги учун иш берувчининг жавобгарлиги белгиланмаган.

Фракция йиғилиши муҳокамасига қўйилган мазкур қонун лойиҳаси вояга етмаганларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиги, ҳаёти хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ноқулай меҳнат шароитидаги ишларда фойдаланганлиги учун жисмоний шахслар, шунингдек ота-оналар жавобгарлигини белгиловчи модданинг киритилиши ҳамда иш берувчининг вояга етмаганларга нисбатан меҳнат ва меҳнатни муҳофизат қилишга оид қонунчиликни бузганлиги учун жавобгарликнинг кучайтирилибганлиги муҳимдир.

Йиғилишда фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон «Миллий тиклаш» демократик партияси Дастурида белгиланган ёшлар билан боғлиқ мақсад ва вазифаларга муштарак эканлигини айтиб ўтдилар. Муҳокама якунида билдирилган тақлиф ва тавсиялар эътиборга олиниб, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди. Фракция йиғилишида Қонунчилик ва суд-

ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 113-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлиқа кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, прокуратура органлари томонидан ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишнинг суд-тергов ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилиши, мазкур инфекция ўта хавфли эканлиги боис, республикада уни олдиндан аниқлаш ва профилактика қилишнинг тизимий ҳамда ҳуқуқий асослари яратилган. Бу борада амалдаги «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги, «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонунлар ҳаётда кенг қўлланилмоқда. Бундан ташқари, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясини тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида ОИТСга қарши курашишни ташкиллаштиришнинг ягона тизими йўлга қўйилган ҳамда ОИВ инфекциясини тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссияси тузилган.

Қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, бир овоздан маъқулланди. Шунингдек, фракция йиғилишида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси партия ҳаётига оид масалаларга алоҳида тўхталиб, шу йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга жиддий тайёргарлик қўриш ва уни юқори савияда ўтказиш, партиядан курсатилган номзодларимизга овоз берадиган электроатни шакллантириш юзасидан фракция аъзолари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапирди.

Йиғилишда муҳокама қилинган қонун лойиҳалари юзасидан фракциянинг нуктаи-назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сараер ХУРРАМОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

НУҚТАИ НАЗАР

Нусратулло ЖУМАХУҶА,
Филология фанлари доктори

Ўзбекистон ўз миллий истиқлолига эришиб, Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб тенгхуқуқли мақомини, эрки, озодлиги, ҳурриятини қўлга киритди. Эндилкида шу ҳуқуқни абадий мустақамлаш, бунинг учун эса янги миллий давлатчилик асосларини яратиш, ҳуқуқий давлат қуриш сари улкан зафарларга эришилмоқда. Ҳуқуқий давлатнинг халқ ва миллат манфаатларини ҳимоя қилувчи мукамал қонунлари, ўзига хос ва ўзига мос миллий қонунчилик мактаби яратилмоқда.

Қонун тили

Зеро, миллий мустақиллик мафқурасининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳуқуқий тафаккурдир. Президентимиз Ислам Каримов "Юскак ҳуқуқий тафаккур – демократик жамият тақозоси" сарлавҳали суҳбатларида сабоқ берганларидек, Истиқлолнинг олий мақсадига эришиш учун "аввало, аҳолига чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш, бу орқали ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантириш талаб этилади. Бу жамиятнинг тўғри, демократик йўлдан ривожланиши учун зарурдир. Чунки ҳуқуқий тафаккур шаклланиши, турли хил номутаносибликлар келиб чиқади... Шундай экан, юскак ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқ устуворлиги нафақат бугунги жамиятимиз учун, балки биздан кейин келадиган авлодлар учун ҳам зарурдир" деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Хар бир нарсанинг сифати унинг вужудга келиш манбаи ва уни вужудга келтириш усулига боғлиқ. Қонунларимиз пишиқ-пукта, қўллашга қулай, ҳаётий бўлиши учун катта қонун яратиш тажрибасини қозониш зарур. Ўзбекистон Истиқлолга биз бундай имкониятга эга эмас эдик. Бутун Ўзбекистон билан бирга, унинг қонунчилиги ҳам собиқ иттифоқ марказига тобе эди. Истиқлолгача бўлган барча қонунлар совет қонунчилиги мактаби андозаларига асосан яратилган эди. У қонунлар Ўзбекистон халқининг ҳуқуқий манфаатларини эмас, балки мустамлақчи ҳукмрон давлат манфаатларини кўзлаб яратилган эди. Ҳамма қонунлар рус тилида

яратиларди, заруриятга қараб, ўзбек тилига таржима қилинарди. Қонун матнлари коммунистик мафқура билан суғорилган эди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чунки тил ва тафаккур чамбарчас боғлиқ. Қонунлар ҳам тафаккур юритиб, тил билан ёзилди. Қонунчилик ҳам тафаккур русча бўлиб, тил ўзбекча бўлолмади, тафаккур коммунистик бўлиб, тил демократик бўлолмади, тафаккур мустамлақчилик руҳида бўлиб, тил мил-

Тўғри, қонунчилигимиз жуда катта суръатлар билан ривожланмоқда. Айниқса, унинг қонун яратиш маҳсулдорлиги мисли кўрилмаган даражада ўсиб бормоқда. Лекин ҳали қонунларимиздаги миллий тил ва тафаккур уйғунлиги янгича такомиллашиш босқичига кўтарилгани йўқ.

Халқда шундай ривоят бор. Қадим замонда улкан бир фил бор экан. Фил бир қозикча маҳкам боғланган экан. Умири ўша қозик атрофида айланиш билан ўтар экан. Қулардан бир куни арқон узилди ва фил озод бўлибди. Лекин фил озодлик бахти ва унинг имтиёз-имкониятларини билмас экан. Шунинг учун ҳамон қозик атрофидан узоклашмай, унинг тева-рағида айланишда давом этар экан.

Ўзбекистон қонунларининг тилида ҳам, таъбир жоиз бўлса, маълум даражада, мана шу филнинг хатти-ҳаракатларига монанд хусусиятлар йўқ эмас.

Улардаги тил расман ўзбекча, аммо тил замиридаги тафаккур ҳали тўла миллийлашгани йўқ. Олимларимиз тўғри таъкидлайдиларки: "Тўб ҳуқуқий ислохотлар шариоатида қонун ижодкорлиги фаолиятининг суръатлари ва кўлами ўсиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, қонун лойиҳаларини тайёрлаш муаммоларини атрофлича изчил муҳокама қилишни тақозо этмоқда. Шу боис, ҳуқуқ тили, ҳуқуқий атамалар масалаларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганиш ҳам аҳамият касб этмоқда". (А.Саидов, М.Қосимова, Л.Каримова. Ўзбек ҳуқуқий атамалари муаммолари. Ўзбек тили ва

миз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида айтиш масалага эътибор қаратиб: «Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш» заруриятини таъкидлаган эди.

Қонун яратиш жуда мураккаб, серқирра ижодий жараён. Қонун яратиш техникаси ижоднинг бошқа барча турларидан ўзининг масъулиятини англаш хусусияти билан кескин ажралиб туради. Қонун матни ўзининг

Инсон ва табиат, инсон ва жамият, инсон ва давлат муносабатларидаги бутун нозикликлар қонунда ҳисобга олинган бўлса, шундагина қонун пишиқ, мустақам яратилган бўлади ҳамда унинг ҳаётга татбиқи ҳам ўнғай кечади. Қонун яратиш жамоа бўлиб, ҳамкорликда, ҳамфикрликда ижод қилиш самарасидир. Қонун яратишда шахсий фикр, субъектив муносабат роль ўйнамайди. Унда умумий, объектив фикр устуворлик қилади.

ривожига ҳеч қандай салбий таъсири бўлмайди. Бунда қонунлар миллий тилда, миллий мафқура асосида яратилади.

Мустабид тузумнинг муддаоси ҳам асли шу эди.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллий қонунчилик мактабини яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса, мамлакатимизда икки палатали парламент тизими жорий қилинганда сўнг қонун ижодкорлиги фаолияти тубдан ўзгарди. Қонунлар лойиҳалари партиялар фракцияларида, тегишли кўмиталарда ва Қонунчилик палатасининг яппи йиғилишларида бир неча ўқишда муҳокама қилиниб, обдон пишиштирилиб, сўнг қабул қилинадиган бўлди.

Умуман, ёзма матнлар орасида, хусусан, юридик ҳужжатлар орасида қонуннинг ўзигагина хос тил ва услуб бўлиши керак. У тил ва услуб хусусиятларига кўра бошқа бирорта юридик ҳужжатни такрорлашмаслиги ёхуд унга ўхшамаслиги зарур. Ҳозирги қонунларимизнинг эса баъзиларида маълумотнома услуби, баъзиларида ахборотнома услуби, баъзиларида тавсиянома услуби, баъзиларида шиор, баъзиларида қарор услуби, баъзиларида эса шарҳ услуби айрим ҳолларда сезилиб туради.

Дунёда мавжуд уч мингга яқин тил орасида ўзбек тили ўзининг маъно ифодалаш имконияти, сўз бойлиги ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан ўзига хос нуфузга эга. Афсуски, айрим ҳолларда қонун яратиш ижодкорлигига ушбу хазинанинг жуда кам қисми сафарбар қилинади. Албатта, тилни билиш бошқа, ундан фойдалана олиш маҳорати тамоман бошқа-бошқа нарсалардир.

Қонунларимизнинг маҳсулдорлиги қонун чиқарувчи ва бошқа идораларда ишлайдиган ходимларнинг тил билими ҳамда амалиёти билан ҳам боғлиқдир. Бундан ташқари, қонун яратишда филологлар билан ҳуқуқшуносларнинг ҳамкорлиги ҳам жуда зарур. Мана шундай ҳамкорлик нуктаи назарларнинг туташуви, жиқлашуви, қонун услубининг такомиллашувига хизмат қилади. Қонун тили илмини ривожлантириш ҳам мана шундай руҳдаги ҳамкорликни ёки тадқиқотчида тилшунослик ва ҳуқуқшунослик истеъдодининг уйғун мужассамлашуви тақозо этади.

миллий тафаккур ва қонун ижодкорлигини талаб этади

мазмун-моҳияти билан ҳаётнинг турли зиддиятларга тўла бўлган фавқулодий воқеа-ҳодисаларга бой жараёни талабларига жавоб бериши лозим. Инсон ва табиат, инсон ва жамият, инсон ва давлат муносабатларидаги бутун нозикликлар қонунда ҳисобга олинган бўлса, шундагина қонун пишиқ, мустақам яратилган бўлади ҳамда унинг ҳаётга татбиқи ҳам ўнғай кечади. Қонун яратиш жамоа бўлиб, ҳамкорликда, ҳамфикрликда ижод қилиш самарасидир. Қонун яратишда шахсий фикр, субъектив муносабат роль ўйнамайди. Унда умумий, объектив фикр устуворлик қилади.

Мустамлака даврида ўзбек қонунчилиги жараёни рус қонунчилиги жараёнидан нусха кўчиришдангина иборат эди. Ҳукмрон томон миллий қонунчилик техникасини ҳам, мактабини ҳам яратишга ҳеч қандай эҳтиёж, имконият қолдирмасди. Ушбу услуб ўзбек миллий қонунчилигини асрий асоратга солди. Бу асорат ўз нуксонини ҳозирги янги қонунчилигимизга ҳам, оз бўлса-да, уриб келмоқда. Истиқлолнинг ўн тўққизинчи йили кетаётганига қарамасдан, ҳали-ҳануз қонун яратиш жараёнида рус қонунчилиги техникасига, қонун матнларини яратишда русча лисоний андозаларга асосланган ҳоллари кўриниб қолади. Бу ҳол фақат амалий ишлар олиб бормасдан, балки ўзбек миллий қонунчилиги назарияси ва техникасини мукамал ишлаб чиқишни ҳам талаб этади. Мустақил ўзбек қонунчилиги ўз миллий мактабига эга бўлиши керак. Яъни, қонунлар аввал ўзбек тилида яратилиб, кейинчалик, заруратга қараб рус ва бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин. Бундай жараённинг ўзбек миллий қонунчилигининг

халқни бошқариш қуроли ҳамдир. Халққа давлат мавжуд қонунлари тилида мурожаат ва муомала қилади. Бу эса қонунлар тилининг халқчил услубини тақозо этади. Қонунларнинг халқчил услуби эса халқнинг миллий маънавиятини билишдан келиб чиқади. Халқчил қонун ўзининг услубида ифодаланган моҳияти – мазмуни билан халқ манфаатларига мувофиқ бўлиши лозим. Давлат қонун орқали ўз халқини бошқариши, ўзининг ички – ташқи сиёсати, маданияти, талаблари, тартиботи, барча-барча низомлари ва интизомларини амалга оширади. Фақат қуруқ ҳуқуқий моддалардан иборат, халқнинг раъйи, одилона, демократик тамойиллар билан ҳисобланмаган қонун давлат ва жамиятга наф келтирмайди. Қонунларда халқнинг куч-қудрати, эрки, иродаси, орзу-армонлари, дунёқараши мужассам бўлади. Президентининг

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Диккатга сазовор бир рақам нигоҳимга чалинди: Саян-Шушенск ГЭСидаги гидростатик вазн 22 миллион тоннани ташкил этар экан. Бу 500 мингта цистернадан таркиб топган оғирлик тўғонга ҳар лаҳзада босим кўрсатиб туришини аниқлади.

— 1985 йилда тўғоннинг биринчи, энг баланд устуни дарз кетиб, дарёнинг бутун тўғон танасида ёрик пайдо бўлганлиги аниқланди. Ёрилган жойдан ҳар соғияда 550 литр сув оқиб ўта бошлади. Буни сув остидаги бутун бошлик дарё деса ҳам бўлади.

— Самолёт қанотида кўпгина йиртик-ёриқлар вужудга келса, оддий ҳол саналади. Қанотнинг мустақамлиги унинг мана шу йиртик-ёриқларга бардос бериши билан ўлчанади. — Гидротехникада дарз кетишларга йўл қўйиб бўлмайди. Тўғон бетонининг емирилиши бошланиши 8 йил мобайнида давом этиб, фақат 1996 йилдагина Франциядан келган мутахассислар унинг яхлитлигини полимерлар воситасида тиклашга муваффақ бўлдилар. Бирок емирилиш давом этапти. Бугун 4 та устундан фақат охириги, тўртинчисигина сув остидаги тош-метин меҳварга ишончли даражада таяниб, тўғонни ушлаб турибди. Яъни Саян-Шушенск ГЭСи бугунги кунда гравитацияли тўғон эмас, балки фақат аркасимон тўғон ёрдамида ишлаб турибди. Тўғоннинг ўрқачи пастга ту-

Саян-Шушенск ГЭСи тўғони машина зали устига силжиб, босиб қолди

шаётган сув сатҳига қараб, яъни Енисей дарёсининг оқими томонга силжиганлиги, айниқса, энг катта хавф-хатарни тугдирмоқда. Тўғоннинг танаси 67 та секциядан иборат. 2006 йилда марказий, 33-секциянинг жойидан силжиганлиги қайд этилган, тўғоннинг аркасимонлиги туфайли унинг ўрқачининг қийшайганлиги 60 мм.ни ташкил этади. Энди уни ўрнига келтириш амри маҳолдир. Гарчи нариги қирғоқда ҳозирча симметрия ҳолатида турган 45-секция ўз ўрнидан бор-йўғи 97 мм.га силжиган бўлса-да, лекин сочилиб-тўқилиб ётган 2-агрегат жойлашган 18-секция жойидан 107 мм.га силжиган. Бунинг барчаси тўғон танасида ваҳимали даражадаги ички зўриқини юзага келтирмоқда.

"Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунга биноан, 108 мм.га силжиш хавфсизлик нуктаи назаридан таҳликалидир. 2006 йилда тўғондаги чидамлик захираси бор-йўғи бир мм.га тушиб қолди. Авария рўй берган секция бир неча йил давомида сўнгги имкониятлари даражасида ишлаб келди. Утган 3 йил давомида унинг силжиши 1мм.дан ҳам каттароқ миқдорни ташкил этиши мумкин эди. Қонунга биноан, бундай шароитда тўғон бажарётган

ишнинг кўлами зудлик билан камайитирилиши лозим эди. Лекин фойда, даромад орқасидан қувилиб, аксинча, иш кўлами янада оширилди. — Қандайдир атиги ўн миллиметрга силжиш тўғоннинг баҳайбат келбати олдида ҳеч гап эмас-дей. Наҳотки тўғондаги шу сезилар-сезилмас силжишни аниқлаш усули мавжуд бўлса?

— Тўғонда 3 мингта тензометр ва 3 мингта деформометр ўрнатилган. Шунингдек, 3 мингта геодезия ҳолатини кузатиш ва 3 мингта сувнинг филтрланишини назорат қилиш ускуналари ҳам мавжуд. Енисейда, 40 метр чуқурликка билан сув ўтказувчи қувурлар орқали турташган. Бу қувурлар орқали эса юқоридан 20 атмосферали босим остида сув бурқираб, хуруж билан оқиб тушади. Тўғон танасидаги зўриқиб, оқибат натижада, гидроагрегатга кўчади. Менинг фаразимча, тўғон машина залига қараб сурилган ва агрегат ўқининг маромини бузган. Чунки 2700 тоннали агрегатнинг ўрқачининг даражасида марказлашуви талаб қилинади. Силжишлар оқибатида эса оқибат урилиш ва тебранишлар бундан иборат, бундан аввал бошланишидан фақат бир кеча-кундуз олдин пайқашган, холос. Аммо шунда ҳам авария ҳолатидаги агрегатни тўхтатишмаган. Агрегат сочилиб кетган, бу эса муваззат бузилишига ва ўқининг оғишига олиб келган. Менинг фаразимни яна шу нарса тасдиқлайдики, машина


қандай алоқаси бор? Ахир ўртада тўғон танасини машина залидан ажратиб турувчи 50 мм.ли айрма чиқиб бор-ку? У эса тўғоннинг техника билан тўқнашмаслигини таъминлаши лозим эди.

— Ҳамма гап шундаки, тўғон аста-секин машина залига қараб сурилиб ва унга босимни кўчатириб борган. Бундан ташқари, тўғон машина зали билан сув ўтказувчи қувурлар орқали турташган. Бу қувурлар орқали эса юқоридан 20 атмосферали босим остида сув бурқираб, хуруж билан оқиб тушади. Тўғон танасидаги зўриқиб, оқибат натижада, гидроагрегатга кўчади. Менинг фаразимча, тўғон машина залига қараб сурилган ва агрегат ўқининг маромини бузган. Чунки 2700 тоннали агрегатнинг ўрқачининг даражасида марказлашуви талаб қилинади. Силжишлар оқибатида эса оқибат урилиш ва тебранишлар бундан иборат, бундан аввал бошланишидан фақат бир кеча-кундуз олдин пайқашган, холос. Аммо шунда ҳам авария ҳолатидаги агрегатни тўхтатишмаган. Агрегат сочилиб кетган, бу эса муваззат бузилишига ва ўқининг оғишига олиб келган. Менинг фаразимни яна шу нарса тасдиқлайдики, машина

залида топилаган гидроагрегат болтлари нафақат дарз кетган, шу билан бирга, улар қалин занг қатлами билан қопланган, очик-ойдин қилиб айтсак, улар ҳатто, узоқ пайтдан буён синиқ ҳолатда ишлатилган.

— Айта олмайсизми, Саян-Шушенск ГЭСида вазият бундан кейин қандай ривожланади ва унинг ўрнидан силжиши давом этаверадими?

— Ҳали барча ҳолатлар ҳисобга олинмаган. Тўғон қаршидаги маҳобатли сув омборининг вазни миллиардлаб тоннани ташкил этади. Менинг ҳисоб-китобимга кўра, тўғон остидаги тупроқ чўкмасининг қалинлиги ҳам 30 см.га етиб қолди — бунинг ўзи яна бир ташвишдир. Сувни қирғоқдан ташқарига чиқариш иншооти қурилиши олдида уюштирилган портлатиш оқибатлари ҳам ўрганилмаган. Бундан ташқари, гидроузелининг ер қобиғига ва тектоник жараёнларга кўрсатилган глобал таъсирини ҳам тушуниб етганимиз йўқ. Булар шу қадар мураккаб вазифаларки, шу босдан АҚШда анча вақтдан буён йирик ГЭСларни қурмай қўйишган, чунки ҳар қандай зўриқиларга ўртача қувватли гидростанциялар касма-қадмида осонроқ барҳам бери-



лиши мумкин.

Бирок энг асосий хавф-хатар шундаки, қиш пайтида, агрегатлар ишламай турса, қувурлар музлайди. Улар тўғонга таянч бўлолмайд қолади, оқибатда эса тўғоннинг ҳозирча бус-бутун турган бошқа агрегатлар устига ҳам қулаб тушиши ҳеч гап эмас.

Бирдан-бир тўғри йўл — сув босимини кескин камайитириш ва станциялар иш ҳажмини қисқартиришдан иборатдир. Қурилган зарар эса, қиёсланса, Саян-Шушенск ГЭСидаги бундан кейинги бузилишлар келтирадиган улкан зарарлар олдидан урвоқ ҳам бўлмайди.

Юз берган ёнгин туфайли ГЭСдан ишчиларни кўчиришга тўғри келди. Чоршанба кuni Саян-Шушенск ГЭСининг машина залига да ёнгин содир бўлди. "Рус-Гидро" компанияси сайтидаги маълумотга кўра, матбуот хизмати "2009 йилнинг 9 сентябрь

кuni маҳаллий вақт билан соат 17.40 да Саян-Шушенск ГЭСида машина залининг 320-белгисидан, 8 ва 9-гидроагрегатлар ҳудудида ёнгин юз берди", деб хабар тарқатилган. Фалокат оқибатида 200 га яқин киши ишлаб турган машина залини тутун чулғаб олган. "Бир неча дақиқа давомида машина залининг барча биноларидан одамларнинг чиқариб юборилиши ташкил этилган ва яна бир неча дақиқа ичида ёнгин ўчирилган".

Бу орада эса, чоршанба кuni ГЭСдаги авария чоғида ҳалок бўлган яна бир кишининг жасди топилган. Унинг кимлиги аниқланган. Марҳум Вячеслав Жданов экан. Шундай қилиб, 17 августда юз берган фожиа оқибатида ҳалок бўлганлар сон 74 нафарга етди. Яна бир аёл бедарак йўқолган.

Сергей ЛЕСКОВ, («Известия» газетаси, 10 сентябрь).

МАЪНАВИЯТ

МИЛЛАТ ВА ЗАМОН

Маълумки, илдизлари теран дарахт бақувват бўлади, узоқ умр кўради. Томирига болта урилса ҳамки, иккинчи бир жойдан униб чиқади. Бугун халқимизнинг фахри ва ғурури бўлиб, жаҳон кезаётган, кун сайин довраг ва шуҳрат қозонаётган, миллионлаб мухлисларни ўзига маҳлиё этаётган ўзбек курашининг илдизлари ҳам жуда чуқур кетган, тарихи олис мозийга бориб тақалади. Археологик топилмалар ва илмий кузатишлар натижасида аниқланган ноёб ашёвий далиллар ўзбек курашининг ёши 3,5-4 минг йилдан кам эмаслигини исботламоқда.

Олимжон ЎСАРОВ

Миллий қадриятларимизнинг узвий қисми бўлган курашимизнинг узоқ асрлар мобайнида мардлик ва инсонийлик фалсафасини тарғиб этиб келгани ҳам бор гап. Шунга қарамай, курашга панжа орасидан қаралган, бобомерос санъатимиз таққирланган замонлар кўп бўлган. Бироқ у халқимиз қалбида, туй-сайилларида яшашда давом этаверди ва бугунги дорилломон кунларгача етиб келди. Ажаб эмаски, яқин йиллар ичида Олимпиада ўйинлари қаторидан-да ўрин олса!?

Шуни фахр ва комил ишонч билан айтиш мумкинки, миллий қадриятларимиз бўлган КУРАШимиз бугун умуминсоний қадриятга айланиб улгурди. Бундан 10-15 йил муқаддам узоқ кўш-лоқларда фақат туй-хашамлардагина ўтказилган кураш мусобақалари бугун жаҳон майдонларини забт этди. Дунёнинг турли бурчақларида ўтказилаётган қатор халқаро турнирлар, қилта ва жаҳон чемпионатлари, нафақат мамлакатимиз, балки дунё ёшларининг ўзбек курашига қизиқишлари тобора ортиб бораётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Хатто Сохибқирон Темури далолининг тўғқлари етмаган инглиз диёрида ўзбек ўғлони ва сарбони Исрол Каримов турнирининг ўтказилиши, океан орти мамлакатлари спорт қошоналарида «Кураш», «Тўхта», «Халол», «Ёнбош», «Фирром» сингари соф ўзбек сўзларининг мағрур жанрлангани ёхуд ер шарининг энг жанубдаги ўлкаларда ўтказилаётган мусобақаларда шеркелбат ҳабаш пахлавлонларининг қўлини кўксига қўйиб, ўзбекона таъзим ила гулабга чиқishi халқимизнинг, мустақиллигимизнинг тарихий ютуғи, десак асло муболага эмас.

Галдаги асосий мақсад инсонийлик фалсафаси билан чуқур суғорилган, тарихи, илдизи неча-неча минг йилларга бориб тақаладиган ЎЗБЕК КУРАШИни Олимпиада ўйинлари қаторига олиб киришдан иборат. Албатта, бунинг учун барча асослар мавжуд ва бу борада изчил изланишлар, фаол ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бинобарин, кураш, нафақат спорт тури, балки халқимизнинг тетиқ руҳи, ғурури, Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилна сиёсатнинг ёрқин нишониси бўлиб дунё кезаётир...

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Кураш Мустақиллик шарафати билан Президент Исрол Каримовнинг қўллаб-қувватлаши ва раҳнамолигида миллий қадриятдан халқаро майдонда тан олинган оммавий спорт турига айланди.

Бугун миллий курашимизнинг узоқ тарихини, аънанаси ва фалсафасини илмий жиҳатдан ўрганиш гоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, бу борада ўз илмий ечимини, тадқиқотини қутаётган жуда кўплаб тарихий манбалар мавжуд. Археологик топилмалар, халқ оғзаки ижоди намуналари, тарихий ёзма манбалар, курашнинг инсон саломатлиги ва камолотида

тутган ўрни хусусидаги илмий асарлар шулар жумласидандир.

«Ўзбек курашида халқимизнинг руҳиятига, асл ҳислатларига азал-азалдан хос бўлган фазилатлар: мардлик, бағрикенглик, рақибига нисбатан олижаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мужассамлашган», деган эди мамлакатимиз Президенти Исрол Каримов кураш буйича тарихий 1-жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимида.

Дарҳақиқат, кураш дегани бу — ўзбек дегани! Зеро, ҳар бир ўзбек боласи кураш тушиб вояга етади, қалбида мардлик, олижаноблик, ҳалоллик каби юксак инсоний қадриятлар шаклланади, улғаяди.

Ўзбекнинг қадрияти дунё кезмоқда



алоҳида ажралиб турадиган ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд.


Биринчидан, ўзбек кураши гоят жозибадор, оммавий ва томошабин-бол спорт тури. Мусобақа чоғида ҳатто футбол майдонлари ҳам кураш иштиқозларига торлик қилиб қолади. Бошқа бирорта яққолаш мусобақаларида бу ҳолатни учратиш ами маҳол. (Тарихий 1-жаҳон чемпионати кунларида ЖАР ўйингоҳи 50 мингдан ортиқ томошабин билан лиқ тўлгани бор ҳақиқат.)

Иккинчи жиҳати, курашнинг жангаворлиги, тезкор ҳаракатлар ва чап-дас тасуларга бениҳоя бойлигидир. XV асрда яшаган буюк муаррих ва қомусшунос олим Воиз Кошифий курашнинг 1800 усули мавжудлигини эътироф этади. Бу қайдларни машҳур араб сайёҳи ибн Батута асарларида ҳам учратиш мумкин.

Учинчи жиҳати, ўзбек курашида фақат тик турган ҳолатда кураш тушишга руҳсат этилади. Бугадиган, орқик берадиган усулларни қўллаш тақиқланади. Бундай усулларни қўлаган курашчи «ғирром» эълон қилинади ва мусобақадан четлаштирилади.

Тўртинчидан, курашда айёрлик, ҳийла ва ғирромлик билан галабага эришиб бўлмайди. Фақат ҳалолликкина муваффақият келтиради. Шу боис мутлоқ устуликка эришган полвонни «халол» деб оқишлалашади.

Ҳеч бир ўсмир йўқки, келажакда полвон бўлишни орзу қилмаска, ҳеч бир ота-она йўқки, ўғилчасини бағрига босиб, «полвоним», «пахлавоним» деб эркаламаган бўлса... Бу бе-



жиз эмас. Чунки полвонликда ҳислат кўп. Полвон — орият учун олишади, элнинг ғурури учун баҳс бойлайди.

Миллий истиқлол кураши дунёга олиб чиқди. Кураш ўзбекнинг урф-одати, миллий қадрияти бўлиб хорижий элларга кириб борди.

Ҳа, кураш халқимизнинг гўзал қадриятларидан бири. Ғузалиги шундаки, у асрлар давомида шаклланди, мукаммаллашди, ақддалари умумбаршарий фалсафа билан уйғунлашиб кетди. Пировардида, халқимиз маънавиятининг, руҳиятининг таянч нуқталаридан бирига айланди.

Кураш мардлар ўйини. Унинг қоида-си битта, яъни ўзбекнинг табиятига мос: майдонга чиқингми, ҳалол кураш. Зеро, полвоннинг амалу тадбирига биндек ғирром аралашши мумкин эмас. Ана шунинг учун ҳам полвон ва мард сўзлари ҳамма бир маънода қўлланиб келинган. Курашчиларга пирлар мадад беради дейишчи, пахлавлонлар халқнинг доимий ҳурмат-этиборида бўлиши ҳам шундан.

Курашнинг спорт тури эканлигидан ташқари, асл моҳиятини англайдиган кишилар уни тарбия мактаби деб аташади. Айни мактабнинг тарбияланувчиларига, битирувчиларига эса қуйидагича таъриф берилади:

Улар Ватанга қасам ичмайдилар, лекин ҳеч қачон юртни сотмайдилар. Уларнинг иродаси курашда чиниққан, ҳалол галабасига беришган соврнинг бир қисмини муҳтожларга тарқатадилар.

Уларда олийжаноблик, инсонийлик, ҳатто рақибига нисбатан ҳурмат энг олдинги ўринда туради.

Улар ўзининг қатъий фикрига эга бўладилар, жамиятда кечяётган ҳар бир жараёнга у ёки бу шаклда, албатта ўз муносабатини билдирадилар.

Полвонлар Ватан ва мазлумлар ҳимояси йўлида жондан кечишга ҳам тайёр турганлар. Шунинг учун улар

орасидан кўплаб лашкарбошилар, халқ қаҳрамонлари етишиб чиққан. Олимлар ва тарихчилар араб ва мўғул босқинчиларига қарши курашларда қаҳрамонлик кўрсатган Мўқанна, Абу Муслим, Яъқуб ибн Лайс, Мазайра, Маҳмуд Таробий, Пахлавлон Бобохоки, Учқора Баҳоқир, Аббос Усмон Жалойир сингари ватанпарварларни полвонлар қаторида санайдилар.

Ўз замонасида қудратли салтанат курган Амир Темури буюк давлат арбоби, маърифатпарвар ҳукмдор, салоҳиятли ҳарбий саркарда бўлиб қолмасдан, айни пайтда кураш илми, ҳадисини мукамал эгаллаган қучли, полвонсифат сиймо ҳам эди. Шунинг учун у мамлакатда ёшларни чиниқтириш, Ватанини севуви, юрт ҳизматига қамарбаста, етук шахслар қилиб вояга етказишда курашнинг тутган ўрнига фавқуллода аҳамият берган. Бунинг исботловчи далиллар жуда кўп манбаларда учрайди. Шарофиддин Али Яъдидий ўзининг «Зафарнома» китобида Темурининг Хоразм хони Хусайн Сўфийга икки ўртадаги низоини уруш йўли билан эмас, балки яқма-яқма олишув йўли билан ҳал этишни таклиф қилгани тўғрисида маълумот беради.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида (1370-1570) ҳарбий санъат, жисмоний машқларнинг хилма-хил тури янада ривож топади.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон чоризмининг босқинчилик сиёсати натижасида босиб олинди. Чор ҳукумати халқнинг ўзлигини, урф-одатларини йўқотишга чурқуринганлиги тарихдан яхши маълум. Шундай қимматли манбалардан бири профессор С.Н.Толстой муҳарриридаги чоп этилган «Ўзбек халқининг тарихи» китоби бўлиб, унда миллий спорт турлари ҳақида сўз юритилди. Хусусан, Рамазон, Қурбон ҳайити, Наврўз байрамларида шаҳар ва қишлоқларда умумий халқ сайиллари бўлиб, унда оломон пойга, миллий кураш, улоқ беллашувлари уюштирилганлиги, кураш мусобақаларида

ҳатто бошқа мамлакатлардан ҳам машҳур полвонлар келиб қатнашганлиги ва томошабинларнинг олқишига сазовор бўлганлиги, халқ ўзининг машҳур курашчилари, қучли ва бақувват ўғлонларини «полвон» деб аташганлиги қайд этилади.

Дарҳақиқат, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси инсоннинг нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишида ҳам улкан омилдир. Спорт иродани тоблайди, одамни аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан энгиб ўтишга ўргатади. Инсон қалбида галабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди. Барча кураш турларининг отаси дея таърифланаётган ўзбек курашининг бу борадаги аҳамияти эса янада муҳим. Зеро, полвонлик амалу тадбирлари, унинг фалсафаси кишини ўз-ўзидан комиллик сари етаклайди.

Турли фикрларнинг ҳақиқатга нечоғлик яқинлиги мўқоясида ойдинлашади, дейишади. Келинг, яхшиси кураш мактаби тарбияланувчиларига берилган юқоридаги таърифларни миллий истиқлол ғоясининг қуйидаги асосий вазифалари билан солиштириб кўрайлик:

- мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш;
- ҳур фикрли, мутелик ва журъатсизликдан холи бўлган, ўз билими ва қучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш;
- одамларимиз, айниқса, ёшларимизнинг иродасини бақувват қилиш, иймон-этиқодини мустаҳкамлашга ҳизмат қиладиган маънавий муҳит яратиш;
- ватандошларимиз тафаккурда ўзлигини англаш, тарихий хотирага садоқат, муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлаш, ватанпарварлик туйғусини камол топтириш;
- халқимизга хос бўлган иймон-этиқод, инсоф-диёнат, саҳоват, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарм-хаё каби фазилатларини янада юксалтириш.

Бу вазифаларнинг бажарилиши фуқароларимизни ҳозирги шиддаткор ҳаёт талабларига жавоб бера олаётганини фаол иштирокчиларига айлантиришга хизмат қилади.

Миллий истиқлол туфайли биз бугун ана шундай вазифаларни кўзлаб турибмиз. Миллий истиқлол боис ўзбек кураши дунёга чиқди. Энг муҳими, миллий мафкура ғояси тамойиллари билан асрлар давомида шаклланиб келган кураш фалсафаси моҳиятида айни бир мурдао мужассамлашганини кўриш мумкин. Шундай бўлиши ҳам табиий. Кураш ўзбек халқи билан бирга туғилиб, у билан бирга яшаб келаётган бўлса, миллий истиқлол халқимизнинг ушбу қадриятини, таъбир жоиз бўлса маънавиятини етти икклимга кўз-кўз қилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг мақсад ва вазифалари ҳам халқимизнинг бой маънавий меросини, миллий қадриятларини асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказишдир. Курашни янада тарғиб этиш ва Олимпиада ўйинлари қаторига олиб кириш борасида Кураш халқаро ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга оширилган қатор тадбирларимиз фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Она юртимиз қадим-қадимдан алп баҳоқирлар Ватани бўлиб келган. Халқимиз ҳаммаш ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрти учун жонини фидо этишга тайёр асл полвон этиб тарбиялаб келган. Полвонлар миллат ор-номуси, ғурур-ифтихори, Ватан таянчи ҳисобланади. Халқимиз улар киёфасида Ватанин бало-қазолардан асрашга қодир, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр азамат ва мард ўғлонларни кўриб, ҳурматлаб келади.

Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуси ва ғамхўрлиги билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди ва бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бермоқда, ўзбек спортни нуфузи тобора ошиб, спортчиларимиз эришаётган юқори натижалар дунё миқёсида эътироф этилмоқда.

Ҳаётнинг яна бир ҳақиқати ҳам борки, агар вақтида эътибор қаратилмаса, ўсиб келаётган ёш авлод энгилга сингдирилмаса, бу борада эришилган ютуқлар, нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон спорт тарихига муҳрланган алп қомат баҳоқирлар номлари вақт ўтиши билан сескин-аста унутилиб боради. Бу эса миллий қадриятларимиз, маънавиятимиз ва Ватанимиз шарафини ҳимоялаш, унинг истиқболини ишончи қўлларга топширишдек эзгу мақсадларимизга зид бўлибгина қолмай, бу борада ортирилган тажриба, маҳорат ва юртимиз спортининг мавқега ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис катта спорт аренасини тарқ этганидан сўнг номи унутилаётган полвонлар номини тарих зарварларига муҳрлаш, уларнинг бой тарихий меросини ёшларимиз онгига сингдириш ва шу орқали ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга садоқат, ўзига ишонч, спортга муҳаббат туйғуларини уйғотиш, мамлакатимизда спортнинг яқка кураш турларини ривожлантириш ва оммалаштириш, фахрий спортчиларни моддий, маънавий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида яқинда «Полвонлар Миллий энциклопедияси» жамияти ташкил этилди. Ушбу эзгу мақсадларни амалга оширишда мамлакатимиз тараққиёти ва маданий ривожланишида «Миллий тикланиш»чилар ҳам ўз ҳиссасини қўшишига ишонамиз.

ТЎҒРИ СЎЗ

Хом гиштга айланаётган ёдгорлик

буни кўриб турганлар негадир сукутни афзал кўришмоқда

Жавоҳир ФАХРИТДИНОВ, Сурхондарё вилояти

Ватан, жонажон юрт ва қадрдон замин инсон учун энг муқаддас, бебаҳо бойликлардир. Кимки ўзи туғилиб ўсган юрт тарихини билмас экан, унда миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш қолавермайди. Нагаки, Ватанга муҳаббат тарихини ўрганишдан бошланади. Қадимий маданият маркази бўлган Сурхондарё воҳасининг Олтинсой тумани ҳудудида жаҳон фаши ва илмий тадқиқодчилар эътиборини ўзига жаҳаб этадиган тарихий археологик ёдгорликлар, муқаддас қадимжолар мавжуд.

Олтинсой тумани ҳудудидаги қадимги археологик ёдгорликлар бронза даври, яъни миллоддан аввалги 2-минг йилликнинг иккинчи ярмига мансубдир. Тумандаги Миршоди ҚФЙ ҳудудида жойлашган Мул-

лалитена, Муллали қабри, Қизилжартепа, Қизилсув ва Бўйрачи-1 тепалиқлари қадимги бронза даври қишлоқлари бўлганлиги археолог олимлар томонидан эътироф этилган. Туманимиз ҳудудида Қушон под-

шолиги (I-V асрлар) даври археологик ёдгорликлари ҳақида академик Э.Ртвеладзе ва Ш.Пидавенинг «Каталог древних монет Южного Узбекистана» асарида атрафлича маълумотлар берилган. Ушбу асарнинг 10-11 саҳифаларида академик Э.Ртвеладзе томонидан тузилган хари́та ҳам ўрин олган. Унда Дегризтепа, Қоратепе, Мозортепа, Мунчоқтепа, Ясситепе, Торагайттепа, Сайрақтепа, Маслаҳаттепа каби бир қанча тепалиқлар ҳам ўрин олган.

Улар орасидаги археологик ёдгорликлардан Мозортепа, Мунчоқтепа, Ясситепе ҳозирги Жобу қишлоғи ҳудудида бўлиб, Қушон подшолиги даврида аҳоли яшовчи кичик қишлоқ кўринишига эга бўлган. Лекин афсусланарли томони шундаки, Мунчоқтепа, Ясситепе ёдгорликлари айни пайтда йўқолиш арафасида турибди. Тўғриси айтганда бир ғуруҳ «шоввоз»лар Мунчоқтепа ту-

роғидан хом гишт тайёрлаб аҳолига пуллашмоқда. Бундай ноҳуш воқеани кўрган ҳар қандай кишида Жобу маҳалласи фуқаролар йиғини оқсоқоли, маслаҳатчилари, туман ҳокимлиги вакиллари нахотки бундан беҳабар бўлсалар? Уша «шоввоз»ларнинг виждони қийналмаётимикин? Кўриб кўрмасликка олишнинг сирини нимада? Уша жойдаги сиёсий партиялар вакиллари, хайрихоҳлари нега бонг уришмаяпти, деган саволлар пайдо бўлади.

Ахир, аждодларимиз яратган моддий ва маънавий бойликларни эъзозлаш, қадриятларимизни асраш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эмасми? Бугун мамлакатимизда қонун устуворлиги ўрнатилган. Археологик тарихий ёдгорликларимиз, моддий маънавий бойликларимиз қонуний муҳофазага эга. Бир вақтлар туманимизда «Олтин мерос» халқаро хайрия жағмарасмининг туман бўлими фаолият кўрсатарди. Ҳозир-чи?...

Аввалига ушбу мақолани ёзсамми, ёзмасамми деб кўп ўйладим. Ёзмасликнинг ҳеч иложи бўлмади. Виждонимга қулоқ тутиб ёздим. Доно халқимиз айтганидек: «Ҳақиқатни ҳимоя қилишдан кўркам, унга хиёнат қилишдан кўрк» нақлига амал қилдим.

КИТОБХОНЛИК

Мутолаа байрами — 2009

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Мутолаа — 2009» байрам тадбири бошланди

Аънавий ўтказиладиган китобхонлар байрами дастуридан ёш шоир ва ёзувчилар учрашуви, китоблар тақдими, семинар ва тренинглари ўрин олган.

Ахборот технологиялари тақомиллашиб бораётган бугунги кунда ҳам кутубхонада ўтириб сабр билан китоб varaқлайдиган асл китобхонлар кўплаб топилди. Бугунги байрам иштирокчиларининг олийгоҳ талабалари, лицей, коллеж ўқувчилари эканлиги қувонарли.

Байрамнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар ёшлар орасида мутолаа маданиятини шакллантириш, нашриётчилик фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг янги технологиялардан фойдаланишдаги савиясини ошириш каби бугуннинг муаммолари юзасидан фикр алмашди.

Тадбир доирасида «Китоб олами ёрғатми» мавзусида расмий-китоблар курашмаси ташкил этилди. Унда бадий китоб, дарслик, журнал ва илмий-омма-

боп асарлар тақдим қилинди. - Мен байрам баҳонасида кутубхона маъмурияти ва асосий бўлимлар билан танишиб олдим. Энди кимдан ва қайси бўлимдан нима сўрашни биланман, - дейди талаба Санобар Жуманова. - Шунингдек, ахборот-ресурс марказларига борганимда китобларни электрон каталоглар орқали излаб топиш борасида ҳам маслаҳатлар берилди.

Бу галги мавсум «Нима? Қачон?» Каерда?» клубининг иштирокчилари билан викторина ўйини, Россия Давлат кутубхонасининг «Диссертациялар электрон кутубхонаси» намоиши ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси тақдим этган адабиётлар тақдими каби дастурларни ўз ичига олганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

«Мутолаа-2009» байрами октябрга қадар давом этади. «Туркистон-пресс»

ЖАРАЁН

Кулолчилик халқимиз учун отамерос касблардан бири саналади. Шу боис унинг илдизлари олис мозийга бориб тақаллади. Бизда бошқалардан фарқли равишда кулолчилик миллий ва ўзига хос анъаналар асосида шаклланди. Юртимизда асрлар давомида кулолчиликнинг бир эмас, бир нечта мактаблари ҳам вужудга келганлиги сир эмас.

Зеро, мустақиллик даврида у янада ривожланди. Отабоболар ишини ёш авлод давом эттирмакда. Демак у барҳайт қолажак.



ТАДБИР

Қонун ижросини таъминлашда

маҳаллий ҳокимият органларининг ўрни

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институтида "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва яна бир қатор ташкилот вакиллари иштирок этди.

Тадбирда жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ислоҳ этишнинг муваффақияти маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жойларда қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали ташкил қилиниши билан узвий боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, давра суҳбатиде маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида қонун ҳужжатларини жойларга етказиш, ижросини таъминлаш ва тарғиб қилиш фаолияти мониторингинг якунлари юзасидан маъруза қилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор Ш.Рузизаев 2008 йилда қабул қилingan қонунларнинг жойларга, маҳаллий ҳокимликларга етказилиши Бухоро, Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қоникарли даражада эмаслигини эътироф этди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар томонидан қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсиялар қабул қилинди. Шунингдек, институт томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти, жумладан уларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг фаолиятига оид қўлланилган асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли лугати ҳамда бошқа маълумотларни ўз ичига олган "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари" номли қўлланилган тақдимоти ўтказилди.

Сарвар ХУРРАМОВ,
"Millyi tiklanish" мухбири

2009 йил — "ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРАВОНЛИГИ ЙИЛИ"

Мамлакатимизда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида эътиборга молик ишлар қилинмоқда. Президентимиз томонидан жорий йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши ва унга ҳамоҳанг тарзда махсус Давлат дастури қабул қилиниши бу борадаги ишларни янада жадаллаштирди. Наманганнинг сўлим туманларидан бирида жойлашган Хўжаобод қишлоғи ўзининг табиати, меҳнатсевар одамлари билан ажралиб туради.

Нодирбек КОДИРОВ

Мустақиллик йилларида қишлоқларнинг кўриниши тубдан ўзгарди, янги қиёфа касб этди. Замонавий маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, гўзаллик салонлари, касб-хунар коллежлари қишлоқ жамолига ўзгача кўрк бағишляпти.

Қарийб 12 минг нафар аҳоли яшовчи Хўжаобод қишлоғи Норин туманида ўзига хос мавқега эга. Худудда 3 та мактаб, 4 та мактабгача таълим муассасаси, биттадан касб-хунар коллежи ва минибанк, 2 та қишлоқ врачлик пункти, 10 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, 37 та фермер хўжалиги фаолият олиб боради.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ижроси бўйича қишлоқда бир неча маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари иш бошлади. Жумладан, хусусий тадбиркор Ахмаджон Бердиқуллов томонидан қишлоқ марказида янги гузар барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Бу орқали ўндан ортиқ маҳаллий фуқаролар янги иш жойи билан таъминланди.

Худудда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича 56 млн. сўмдан ортиқ микрокредитлар сарфлан-

Эртанги кунга ишонч



ди. Аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида маданий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш бўйича "Қишлоқ оқшоми", "Оналар куйлаганда", "Биз терроризмга қаршимиз" мавзуларида турли тадбирларнинг ўтказилаётганлиги фуқароларнинг сийсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, маънавий дунёқарашининг юксалишига хизмат қилмоқда.

- Касаначиликни ривожланти-

риш бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. Ҳозирги кунда қишлоқда 20 дан ортиқ касаначилар фаолият олиб боради. Бу каби хайрли ишларни ҳомийларни жалб қилган ҳолда давом эттирялганми,- дейди биз билан суҳбатда "Хўжаобод" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳомжон ака Сотволдиев. - Шу нарса аниқки, қишлоқ ахли эртанги кунга ишонч ва умид билан яшамокда.

ҚИҒИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ...

"Талабалик олтин давр" дейишади. Албатта, инсон ҳаётида бу даврнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Афсуски, баъзида ёшларга талаба бўлишни ваъда қилиб, қиғир ишни танлаганлар ва имтиҳонларда баҳо қўйиб бериш эвазига ҳақ олаётган ўқитувчилар ҳам йўқ эмас.

Фирибгарлар

К.Романов (барча исм-шарифлар ўзгартирилган) ва И.Колосковдан Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармасига тушган аризага кўра, катта пул эвазига уларни Россиядаги институтга ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилаётган шахслар ҳақида гап борган.

Текширув натижасида, ҳақиқатан У.Закиров талабаликни орзу қилган К.Романов ва И.Колосковага "Московский институт предпринимательства и права" олий ўқув юртида тахсил олганини, уларни ҳам маълум ҳақ эвазига ушбу институтга киритиб қўйиши мумкинлигини айтган. Фирибгар улардан пора сифатида 500 АҚШ доллари сўраган. Ишлов берилган валюта орқали барча "умид"лари пучга чиққан У.Закиров айбига тўлиқ иқдор бўлди ва фаолият йўритиш учун лозим бўлган ҳеч қандай лицензия ва рухсатнома олмаганини тан олди. Мазкур ҳолат юзасидан фирибгар У.Закировга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси МХХ ходимлари ҳамкорлигида яна бир тадбир фуқаро К.Комиловнинг (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) аризаси юзасидан Тошкент Давлат Фармацевтика институтининг "Ботаника физиология ва микробиология" кафедрасида ўтказилди. Маълум бўлишича, ушбу кафедранинг "Одам ва ҳайвонлар физиологияси" ихтисослиги бўйича биология фанлари доктори, профессор Х.М. ўз хизмат вазифасидан фойдаланиб, товламачилик йўли билан пора олишни мақсад қилган ҳамда олийгоҳнинг 2-курс талабаси К.Комиловдан ўз хизмат хонасида имтиҳонларга ёрдам бериш эвазига муқаддам ишлов берилган 180 минг сўмни қонунга хилоф равишда олган.

Илм йўлидаги кўп йиллик меҳнатини арзимаган 180 минг сўмга алмашган профессор қонун олдида жавоб бериши, албатта ачинарли ҳолат. Айни пайтда унга нисбатан Жиноят кодексининг 214-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Убайдулло АЪЗАМОВ,
СВОЖДЛКК Департаменти
Тошкент шаҳар бошқармаси
катта инспектори

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор текширув натижасида пойтахтимиздаги "Freddy gold biznes" МЧЖнинг савдо қондаларини бузишгани ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлагани аниқланди.

Сохта савдонинг

сохта раҳбарлари

Наримон ва Мурод бизнес қилиш ниятида танишлари Ж.Абдурашидов раҳбарлигида янги корхона очилди. Унинг номига ҳужжатлар расмийлаштириб, ишни ўзлари назоратга олишди. АИТБ "Ипак йўли" банкнинг "Уриқзор" филиалидан ҳисоб рақам очтириб, савдодан тушган маблағларни қонунга хилоф тарзда нақдлаштиришди. Текширувда Ж.Абдурашидов фаолияти давомида ўзи тушунмаган ҳужжатларга имзо қўйиш билан шуғуллангани, ҳеч нарсадан хабари йўқлигини, барча масалаларда унга ҳамроҳ бўлган Наримоннинг қистови ва маслаҳатига амал қилганини айтди.

Уларнинг фаолияти давомида корхона томонидан 2.967.069.200 сўм пул айланмаси амалга оширилган бўлиб, келиб тушган молиявий ёрдамларнинг 2.613.300.000 сўми "Пайнет" ва "Юнипак системс" МЧЖларга интернет тўловлари деб йўналтирилган. 2.077.200.000 сўмлик интернет картчалари хизматлари нақд пулга амалга оширилган бўлиб, тегишли тартибда банк муассасасига топширилгани ҳамда "Freddy gold biznes" МЧЖга келиб тушган 536.100.00 сўм даромаддан 3.538.260 сўм ягона солиқ тўлови тўлангани аниқланди.

Шунингдек, корхона қонунга зид равишда тегишли тартибда лицензия олмасдан турли корхоналарга берилган молиявий ёрдам маблағларидан жами 48.000.000 сўмлик соф даромад олган.

Дарҳақиқат, бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, сохта раҳбарлик ва ҳужжатларга чек қўйилди.

Иброҳим ШАЮСУПОВ,
СВОЖДЛКК Департаменти
Тошкент шаҳар бошқармаси
катта инспектори

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Одам савдоси инсон қадрини деб аталмиш тушунчани мутлақо тан олмайди. Қора бозордаги қуллик савдоси шахсни маънан ва жисмонан камситиш, эркинлик ҳуқуқини поймол қилишга йўналтирилган, десак муболағга бўлмайди. Бу жиноят ортида манфаатлар, жон койитмасдан топиладиган мўмай даромад этгани сир эмас.

Ҳаётилла Тўлаганов,
Жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди судьяси,
Акобир САЙИДОВ,
"Millyi tiklanish" мухбири

Нафс чангали бу йўлда турли макру ҳийлаларини аямаетган инсонлар кўзини кўр, қулоқларини кар қилиб қўяди. Ачинарлиси, айрим ёш-навиҳол йигит-қизлар унинг тузоғига илиниб, келажак ҳаётларини хавф остига қўяётди. Орзуларга тўла умр баҳорини хазон қилишмоқда. Психологлар бунини тажрибасизлик ва мўмай даромад кетидан қувши, ёшларга хос хаёлпарастликка берилишга йўйишлари бежиз эмас. Зеро, машаққатсиз роҳат бўлмаслигини билган ҳар қандай инсон ўзини онгли равишда қулликча мубтало этмайди. Автомобиль, ҳашаматли ҳовли, яна мисли қўрилмаган

бойлик... Одатда эртақларда ва афсоналарда учрайдиган Хорун ар-Рашид хазинасини топиш ҳақидаги чўпчакларга ишонувчилар айни дамда ҳам орамизда учраб турибди. "Қўйсангчи дўстим, шунча нарса хорижда ерга сочилиб ётар экану, супуриб оладиганлар топилмабди-да", дейиш ўрнига, кимнингдир йўл харажатларини ҳам олдиндан тўлаб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларига-ча туҳфа қилганини эшитиб хайратланасан киши... Қахрамонимиз Зиёда (Мақоладаги барча шахслар исм-шарифи ўзгартириб кўрсатилган муаллифлар.)нинг ҳам омади чолиб, узоқни ўйламаганлиги туфайли бо-

шига тушажак балолардан кутулей қолмаганида, ким билади дейсиз, айни дамда ундан ҳам фақат суварат ва хотира қолармиди.

Аслида, унинг бахти турмушга чиққандаёқ яримлай бошлаганди. Турмуш ўртоғи Асрор бир эмас, икки бора жиноятга қўл уриб, қамалиб чиққан, қайнонаси эса ўғлига берган ана шу тарбиясига муносиб, мол-давлат учун ўзини томдан ташлашга тайёр аёл эди. Оиладаги қонуниятлар эса ана шу хоҳишлар асосида ташкил топганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу ва бошқа таъсирлар ўлароқ ёш оиланинг тинч ҳаёти узоққа чўзилмади. Ораддан бир неча ой ўтар-ўтмас турмушдаги икки-чакир масалалар, тўғрироғи бекорчилик ва ичкиликка ружу қўйган Асрорнинг дастидан кунора уруш чиқадиган бўлиб қолди. Асрор хотинининг қўлига қўйиб қўйди. "Мама-ткул тоганини қизи чет элда ишлаб роса бойиб кетганмиш. Исми ҳам Азизамиди. Ҳозир бизнени кенгайтириб, қизларни хорижга жўнатаётганмиш"... Миш-мишлар гуллаб,

сарф-харажатларини ҳисоблашдан бўшамас, келин тушуриб нима фойда қилганига тушунонмай хайрон эди. Тазйиқлар тобора жонига теккан Зиёданинг кўп ўтмай уйига кетиб қоладиган одат чиқаргани қайнона учун ҳаммасидан ошиб тушди. Кетсаку майли, тўйга кетган пулларчи... Пулларнинг ҳавога созурилганидан юраги эзилар, бу ўй бирон сония бўлмасин унга тинчлик бермасди. Сўнги бор кўда томондан уэр сўраб борган қувда ва қайнонанинг уйга қайтишда қариндошлари Ойнисаникига ташариф буюриши, воқеалар ривожини тезлатиб юборди. Қайнона қариндошига бор ҳасратини тўкиб солди. Маслаҳат оши келин иштирокисиз ўтди. Ниҳориги бекорчилик ва ичкиликка ружу қўйган Асрорнинг дастидан кунора уруш чиқадиган бўлиб қолди. Асрор хотинининг қўлига қўйиб қўйди. "Мама-ткул тоганини қизи чет элда ишлаб роса бойиб кетганмиш. Исми ҳам Азизамиди. Ҳозир бизнени кенгайтириб, қизларни хорижга жўнатаётганмиш"... Миш-мишлар гуллаб,

охири-оқибат Ойниса Азизани топадиган, қайнона келинни четда жўнатишга кўндириб, пул ишлаб оладиган бўлди. Асрор эса ажойиб артистлик қобилиятини ишга солиб, қариндошининг ҳам бу ишга аралашаётганини рўқаб қилди. "Ахир, қариндош ўз жигарининг қўзига чўп суқармиди?... Зиёда ва унга ўхшаб алдовган учган қизларни Қирғизистон Республикасида Талиб исмли киши кутиб олди. Зиёда айни шу ерда ўзининг алданганини, уни БААга ноқонуний йўл билан қулликка олиб кетишга ётганини сезиб қолди. "Сўнги пушаймон ўзингга душман" мақоли айни ҳақиқатга айланди. Талиб уйга қайтишни истаган Зиёдани тирик қўймаслиги ҳақидаги гапи билан қўрқитиб, БААга боришдан ўзга чораси йўқлигини эслатиб ўтди...

Ҳақиқат барибир қарор топади, лекин... Ушбу ҳақиқат қўпчилик алданганларга соғлиги, олдинги руҳияти, бахти ҳаётини қайтариб беролмаслиги мумкин. Фоҳишалик қилишга рози бўлмаган Зиёда ҳам бир неча кун уй қамоғида

эти. Унинг азоб ва қийинчиликлари энди бошлангганига шубҳа йўқ эди. Тақдир тақдоси билан уй эгаларининг мастлигидан фойдаланиб, қочқиндошининг ҳам бу ишга аралашаётганини рўқаб қилди. "Ахир, қариндош ўз жигарининг қўзига чўп суқармиди?... Зиёда ва унга ўхшаб алдовган учган қизларни Қирғизистон Республикасида Талиб исмли киши кутиб олди. Зиёда айни шу ерда ўзининг алданганини, уни БААга ноқонуний йўл билан қулликка олиб кетишга ётганини сезиб қолди. "Сўнги пушаймон ўзингга душман" мақоли айни ҳақиқатга айланди. Талиб уйга қайтишни истаган Зиёдани тирик қўймаслиги ҳақидаги гапи билан қўрқитиб, БААга боришдан ўзга чораси йўқлигини эслатиб ўтди...

Ҳақиқат барибир қарор топади, лекин... Ушбу ҳақиқат қўпчилик алданганларга соғлиги, олдинги руҳияти, бахти ҳаётини қайтариб беролмаслиги мумкин. Фоҳишалик қилишга рози бўлмаган Зиёда ҳам бир неча кун уй қамоғида

нафс домига тушиб, одам савдоси билан шуғулланганлар фош этилди

Сотилган келин

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРХ

Бехбуд БОТИРОВ

“Жаҳон ҳамжамияти ўта қашшоқликни камайтиришида кучли ва барқарор тараққиётга эришди. Бунда ўтган йиллар давомида фойдали қазилмалар ва қишлоқ хўжалиги хомашёсининг тўғри тақсимланиши муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Биз 2015 ва ундан кейинги йилларга назар ташлар эканмиз, умумий мақсадга эришишимизга шубҳа йўқ; биз қашшоқликка буткул барҳам беришимиз мумкин. Бироқ бу мақсад барқарор, биргалликдаги ва изчил сайё-ҳаракатларни талаб этади”. Яқинда БМТ Бош Ассамблеясида озиқ-овқат тақчиллигига қарши кураш ва қашшоқликни камайтиришга бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда сўзга чиққан Бош котиб Пан Ги Муннинг маъруза хулосалари ана шундай.

Қошиғи қозонга етмаганлар

она сайёрамиз имконияти нафақат ҳозирги мавжуд 6 миллиард боласига қозон қайнатиш, балки яна 6 миллиард одамни тўйдириш учун етаркан. Шунга қарамай, қашшоқлик ва очлик яна биринчи ўринга чиқаяпти



Жаҳон банки томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, 1990-2007 йиллар оралиғида ўта қашшоқликда яшаётган одамлар сони 1,8 миллиарддан 1,4 миллиардга камайган ва бу 2015 йилгача кўрсаткични икки бараварга камайтириш мумкинлигини тасдиқлайди. Африка ва Осиёнинг айрим минтақаларидан ташқари қолган барча жойларда болаларни бошланғич мактаб таълими билан қамраб олиш камиди 90 фоизга етди.

Қизамиқдан ўлиш ҳоллари 2000 йилдаги 750 мингдан 2007 йилда 250 минг нафарга пасайган ва ҳозир ривожланган мамлакатлардаги болаларнинг қарийб 80 фоизи қизамиққа қарши эмланмоқда. Аммо бу борада муаммолар ҳам йўқ эмас. Ривожланган мамлакатлардаги болаларнинг деярли тўртдан бир қисмининг вази нормадан кам. Сайёрамиздаги 2,5 миллиард киши асосий санитария-гигиена воситаларисиз яшайди. Бундан хулоса чикаришда фақат статистикага таяниб бўлмаслиги маълум бўлади. Маърузада ривожланиш мақсадларига эришиш мумкинлиги, бироқ бу катта молиявий мажбуриятлар, жумладан, ривожланган мамлакатларнинг катта миқдорда ёрдам кўрсатишини талаб этади.

1996 йилга қадар расмий статистика оналар ўлими муттасил камайиб бораётганини кўрсатарди. Хусусан,

жаҳон ҳамжамияти томонидан олиб борилган кескин чора-тадбирлар натижасида мазкур кўрсаткич 1990 йилдаги 65,4 фоиздан 1996 йилда 40,7 фоизгача камайди. 2007 йилга келиб эса 30,2 фоизгача тушди.

Таъкидлаш жоизки, бу борада мамлакатимиз салмоқли ютуқларга эришди. Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соҳадаги хизматларни яхшилаш учун жиддий чоралар кўрмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат Дастури ҳамда мамлакатимизда 1999 йил “Аёллар йили”, 2000 йил “Соғлом авлод йили”, 2005 йил “Сихат-саломатлик” йили деб эълон қилингани шундай сайё-ҳаракатларга мисолдир. Асосий маъно-мазмуни ва фалсафаси “Соғлом халқ, соғлом миллатга буюқ ишларга қодир бўлади” деган ширда мужассам бўлган “Сихат-саломатлик” йилида мазкур ном билан аталадиган давлат Дастури ижросини таъминлаш бўйича жами 165 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфлангани бу йўналишда бажарилган ишларнинг ҳажми ва кўламини яққол кўрсатади. Бундан асосий мақсад барчамизнинг таянчимиз, суянчимиз бўлган фарзандларимизни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол, эл-юрт учун чин дилдан қайғуриб яшайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш, халқимиз тақдири ва келажагига дахлдор бўлган бу муҳим масалага нис-

батан масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат эди.

1999-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Дастури соғлиқни сақлашнинг бирламчи бугунги муассасаларида тезкор акушерлик ёрдами тизимини кучайтириш ва репродуктив саломатлик соҳасидаги хизматлар тузилмасини қайта қуриш йўли билан оналар саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилган. “Сихат-саломатлик” йили давлат Дастури оналикни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантиришга, тиббиёт ходимларининг касбий кўникмалари ҳамда аҳолининг оналикни муҳофаза қилиш тизимидан хабардорлигини оширишга йўналтирилган. Донор ташкилотлар ҳукумат фаолиятини қўллаб-қувватлашда фаол қатнашмоқда. БМТ аҳолишунослик фонди ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги фаолияти аввал бошдан ҳамда кўрда оналар саломатлигини яхшилашга йўналтирилди. Улар оналар саломатлиги бўйича миллий клиник дастурлар ва қондаларни қайта кўриб чиқиш, тиббиёт ходимларини ўқитиш ҳамда зарур тиббий ускуналар беришга қўмақлашади.

Ҳозир бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз кузатилмоқда. 1 йилдан бунёд давом этаётган бундай депрессия сайёрамиз аҳолисининг яшаш шароитига ҳам жиддий таъсир этмай қолмади. Европа, Шимолий Америка минтақаларида ишчиларнинг ойлик маошлари камайтирилган ёки ходимлар сони қисқартирилмоқда. Кўпгина йирик фирма ва ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, банк муассасалари ўз фаолиятини бутунлай ёхуд вақтинча тўхтатишга мажбур бўлмоқда. Бу эса дунё аҳолисининг харид қуввати кескин тушишга олиб келмоқда. Халқаро ҳамжамият томонидан қарийб 10 йилдан бунёд қашшоқликни камайтириш мақсадида олиб борилётган босқичма-босқич сиёсат айти глобал инқироз туфайли бироз секинлашди. Бироқ бу мазкур муаммони бартараф этиш тўхтаб қолди, дегани эмас.

Жаҳон банкининг расмий изохига кўра, жон бошига кунига бир доллар-

дан кам даромад топиш қашшоқлик ҳисобланади. Сайёрамиздаги 1,2 миллиарддан ортик инсон, яъни ҳар беш кишидан биттаси бундан ҳам кам маблағ эвазига кун кечираётганини эътиборга олсак, масаланинг нақадар муҳимлиги аён бўлади. Жамоат фикрини ўрганувчи ташкилотлар уюшмаси – “GALLUP International” ана шу муаммо юзасидан ўтказган ижтимоий тадқиқотида дунё аҳолисининг 1,3 миллиарддан кўпроқ қисми яшайдиган 68 мамлакатдаги 50000 кишига мувожаат этади. Тадқиқот олиб борилган 68 мамлакатнинг 56 тасида қашшоқлик бошқа долзарб муаммоларга нисбатан кўпроқ тилга олинганлиги маълум бўлди. “GALLUP International” уюшмаси бош котиби Мерил Жеймсининг фикрича, гарчи бугунги кунда қашшоқликка қарши курашиш лозимлиги борасида яқдиллик мавжуд бўлса-да, барибир етарли чоралар қўрилмапти. Бундан ташқари, бу муаммо фақатгина учинчи дунё мамлакатларигагина тегишли эмас. Шундай қилиб, «Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг муҳим муаммо қайси?» деган саволга сўралганларнинг 26 фоизи қашшоқлик, бой ва камбағалликнинг ўта кескин фарқланиши ва очарчилик, дея жавоб қайтаришган. Умуман сўралганларнинг ҳар тўртинчиси қашшоқлик ва очарчиликни, энг ташвишли ҳолат дея ҳисоблаганлар.

Мазкур сўровномада минтақалар бўйича ҳам турли кўрсаткичлар кузатилди. Хусусан, Лотин Америкаси ва Африка қитъасида қашшоқликни кўпроқ биринчи ўринга қўйилган бўлса, Осиё-Тинч океани ҳавзаси ва Шимолий Америкада бу муаммо камроқ тилга олинди. Натижалар Африканинг деярли барча мамлакатларида очарчилик ва қашшоқлик муаммоси долзарб бўлиб қолаётганини яна бир мартаба исботлади. Маълумки, айти пайтда Африканинг 7 мамлакатиде озиқ-овқатга ўта муҳтож бўлганлар сони 12 миллионга яқинлашиб қолган. Уларнинг аксарияти қурғоқчиликдан азият чекаётган бўлса, аҳолининг қолган қисми маҳаллий ҳукуматларнинг номақбул сиёсати туфайли ана шундай муаммо билан яшамоқда. Бироқ америкаликларнинг 18 фоизи, Яқин Шарқ аҳолисининг 21, Марказий ва Шарқий Европанинг 25 фоиз аҳолиси ҳам сўнгги бир йилда очарчиликни ҳис қилганларини таъкидлаш жоиз. Тўйиб ёки етарли оқватланмаслик муаммосига дуч келаятганлар орасида ана шундай ривожланган мамлакатлар фуқароларининг ҳам борлиги муаммо кўлами нақадар кенглигини кўрсатади.

Дунё бўйича тўйиб оқватланмайдиганлар сони йилга ўртача 4 миллион кишига кўпаймоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги шўъба ташкилоти маълумотларида қайд этилишича, она Ернинг 6 эмас, 12 миллиард одамни боқишга ҳам имконияти етди. Бироқ дунё ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик, уларнинг нотўғри тақсимланиши каби ҳолатлар туфайли жаҳоннинг 860 миллиондан ортик аҳолиси бугун том маънода очлик муаммоси билан курашмоқда. Бу эса Ер юзиде ҳар етти киши ана шу муаммога рўбарў келмоқда, деганидир.

Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда қашшоқликка қарши курашиш борасида яқдиллик мавжуд бўлса-да, барибир жиддий чоралар кўрилмапти. Ваҳоланки, бу муаммо фақатгина учинчи дунё мамлакатларигагина тегишли эмас.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Сайёҳларга чеклов


“Associated Press” хабарига кўра, Хитой ҳукумати томонидан хорижий сайёҳларнинг Тибетга бориши таъқиқлаб қўйилди.



Чин ҳукуматининг бундай қарори 1 октябрь кунини Хитойда ўтказиладиган миллий байрам олдидан хавфсизлик чораларини таъминлаш мақсадида амалга оширилгани айтилмоқда. Мамлакатда, шунингдек, кўпгина магазинларда пичоқларни сотиш ҳам чеклаб қўйилди. Тибетга боришни таъқиқлаш биринчи мартаба қўлланилаётгани йўқ. 2009 йилнинг февраль ойида ҳам Тибетда ўтказиладиган янги йил олдидан ана шундай чора жорий этилганди. Айрим маълумотларга қараганда, таъқиқ шу йилнинг 8 октябрга анал қилиши мумкин.

Инқирозга сабаб нима?

“Катта йигирматалик” навбатдаги саммитга тайёргарлик кўрмоқда.



АҚШнинг Пенсилвания штатидаги Питтсбург шаҳри 24-25 сентябрда дунёнинг энг йирик давлатлари саммитига мезбонлик қилади. Кун тартибидеги бош мавзу - глобал молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этиш, дунёдаги йирик банклар ва корпорацияларни молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама этилади. Кузатувчиларнинг фикрича, саммитда, айниқса, банк ходимларига муқофот пулларини тўлаш масаласи кизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Зеро, кўпчилик мутахассисларнинг таъкидлашича, айти шу ҳолат инқирозга асосий омил бўлган.

Айблов келаси ҳафтада

Покистон Мумбай хуружига алоқадор шахсларни жавобгарликка тортади.



Ўтган йилги Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида амалга оширилган хуруж оқибатида 166 киши ҳалок бўлиб, Деҳли-Исломобод тинчлик музокаралари тўхтаб қолганди. Айти пайтда Покистон ҳукумати Мумбай хуружи юзасидан диний пешво Ҳофиз Саидни саволга тутмоқда. Яна 7 киши устидан суд иши кўзга тилган. Покистон ички ишлар вазири Раҳмон Малиқнинг айтишича, далил-исбот кўриб чиқилиб, келаси ҳафта қамоққа олинган шахслар устидан расман айблов эълон қилинади. Бироқ, дейди Раҳмон Малиқ, адолат талаб қилаётган Ҳиндистон бу айбловни исботловчи қўшимча далил тақдим этиши керак. Мавжуд маълумотлар етарли эмас.

Ўтган йилнинг декабрида БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан Саид Ҳофиз ва унинг ташкилоти “Ал-Қоида” террорчилик гуруҳига алоқадор, деб топилган, Ҳофиз уй қамогига ҳукм қилинган, аммо шу йил июлда суд айблов учун етарли асос йўқ, дея уни озод қилганди.

Интернет хабарлари асосида Ҳилола РАВШАН қизи тайёрлади

РАНГИН ДУНЁ

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, “Milliy tiklanish” муҳбири

Франциялик тадқиқотчи Жан Франсуа Шампольшон бутун умрини илм-фанга бағишда этиб илм-фанга янги соҳа — мисршуносликни тақдим этган олим ҳисобланади. Бу неча йил давомида Розетт тошидаги ёзувни — Миср иеороглифини таржима қилишга ҳаракат қилган Шампольшон ниҳоят ўз мақсадига эришиб, хушхабарни укасига етказишга бораганида “мен топдим, топдим...” деганича, бу сирни айтолмай ҳушидан кетади... Ҳақиқатан ҳам бу оламшумул илмий кашфиёт эди. Чунки қадимги Миср тарихи акс этган бу ёзувни йигирма йил давомида ўнлаб олимлар ўқинишга уддалай олмаган эдилар.

1799 йилнинг июль ойида Наполеон Банонарнинг аскарлари Александрия шаҳри ёнидан катта қора тош плитани топишди. Франциялик ҳарбий Пьер Франсуа Бушар ушбу қадимги тошга дуч келганидаёқ топилманинг қанчалик муҳимлигини пайқайди ва дарҳол уни Қохирага жўнаттирди. Бу воқеадан бир йил аввал Наполеон буйруғига биноан Миср институтини очилган эди. Ҳарбийлар топилгани шу институтга топилди. Аммо, 1801 йилда Розетт тоши Англияга юборилиб Британия музейига тақдим этилди.

бироқ қадимги мисрликларнинг қолган иккита ёзуви ва иеороглифини ҳеч ким таржима қилолмаган. Тошдаги грек тилидаги биринчи битик эра-миздан аввалги 196 йилдаги подшоҳ Птолемей V Епифанга атаб ёзилган бўлиб, у шундай сўзлар билан бошланади: “Ота салтанати меросхўри бўлган янги подшоҳга бағишлаб...”. 1801 йилда тошнинг нусхаси Европага тарқатилганидан сўнг, турли мамлакат олимлари бу ёзув устида бош қотира бошлашди. Ордан йигирма йил ўтса-да, мисрликлар иеороглифини ўқиниш улдасидан чиқадиган кимса топилмади. Франциялик шарқшунос олим Силвестр де-

Мисршунослик асосчиси

ёки 2500 йиллик тарихни юзага чиқарган олим

Саси, шведиялик дипломат Давид Окерблад, инглиз олими Томас Юнг ва франциялик тадқиқотчи Ж.Шампольшон тошдаги ёзувни ўқишга ҳаракат қилишди. Аввалига 1802 йили Силвестр де Саси, кейинроқ Давид Окерблад ҳам ўзининг таржима вариантини эълон қилади. Бироқ, Шампольшон энг яқини хулосага эришишга 1822 йилда муваффақ бўлади. Айнан қадимги мисрлик ёзувларни ўқишда Шампольшоннинг таржимаси ҳақиқатан ҳам аниқ бўлиб чиқди.

Жан Франсуа Шампольшон ёшлариданоқ билимга чанқоқ бўлиб, тил ўрганишга, илм олишга мустақил интилиб келган. У ўн олти ёшдаёқ 12 та тилини билиб Гренобль академиясига “Фиръавн давридаги Миср” номли илмий ишини тақдим этган. 19 ёшида Шампольшон тарих фани профессори бўлишга эришган. Наполеоннинг армияси Эльба оролидан қайтганида Шампольшоннинг укаси Жак Жозев Фижак императорнинг шахсий котиби этиб тайинланди. Шу баҳона Наполеон ака-уканинг тадқиқотлари билан жиддий қизиқа бош-


лайди. Ҳатто, император ёш мисршуноснинг кутубхонасига келиб, қадимги шарқ тиллари борасида суҳбат қургани ҳақида ҳам маълумотлар йўқ эмас. Император ўз даврида Шампольшонга тадқиқотни давом эттиришига барча имкониятларни яратиб берган.

Уша даврнинг ҳамма олимлари Миср иеороглифларида “фақат одамларнинг фикри жамланган, унда товуш йўқ”, деб таъкидлаган. Бироқ, Шампольшон бу назария нотўғрилигини биринчи бўлиб тушуниб етди. Аммо, унинг ишонарли далили йўқлиги боис, у машҳур олимларга қарши чикмай сукут сақлашга мажбур бўлади. Шампольшон сўнгги 2500 йиллик тарихга эга бўлган Миср ёзувларини сиңиковлик билан ўрганади. 1822 йилнинг 22 сентябрь кунини Шампольшонга франциялик архитектор Гюго Миср ибодатхоналаридаги ёзувларнинг нусхаларини юборди. Бу ёзувларда мисрликларнинг сиңинадиган худосининг исми ёзилган бўлган. Шампольшон иш столидаги уйил ётган қоғозларни тахлаб



туриб, ўзи билмаган ҳолда қўлидаги қоғозда фиръавн Рамзеснинг номи ёзилганини ўқий олади. Шундан сўнг, ана шу йўналиш бўйича бошқа иеороглифларни ҳам ўқишга ҳаракат қилади. У нафақат фиръавн Рамзес, балки ундан у юз йил аввал салтанатни бошқарган фиръавн давридаги алифбонини ҳам ўқий олади. Шампольшон ёзувларнинг талаффузини ҳам тўғри изоҳлаганидан сўнг у ўзида ишонч билан “мен топдим, топдим” дейди-да, ҳушидан кетади.

Узоқ йиллик меҳнати, уйқусиз ўтказган кечалари алал-оқибат унинг соғлиғига салбий



таъсир этади. Беш кун хушсиз ётган Шампольшон ўша йили 27 сентябрь кунини Париж академияси мажлисида ўзининг кашфиёти эълон қилади. Йигиллишда таниқли немис олими А.Гумбольдт ҳамда буюқ физик ва инглиз астрономи Томас Юнг ҳам қатнашишган бўлиб, улар Ж.Шампольшоннинг меҳнатини юксак баҳолашди. Шундай қилиб 1822 йилнинг 27 сентябрь кунини илм-фанга янги соҳа — мисршуносликка асос солинади. 1824 йили Шампольшон “Иеороглифи тизимлар очерки” номли китобини нашр этиб, унда ушбу ёзув ҳақида тўлиқ тушунча беради. 1826 йилда Шампольшонга Қадимги Миср тарихи музейини ташкил этиш вазифаси юкланади ва у бунини уддалайди. 1831 йилда эса унга биринчи мисршунослик кафедрасини бошқаришни топширилади. Шампольшоннинг вafотидан сўнг 1841 йилда кунини илм-фанга янги соҳа — мисршуносликка асос солинади. 1824 йили Шампольшон

КЎЗГҮ

МУБОРАК ҚАДАМЖОЛАР

Ўтмишни ўрганиш, қадриятларимизни тиклаш, маданий бойликларимизни келгуси авлодга етказишдек хайрли ишлар мавсумий эмас, ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларида азиз қадамжоларнинг таъмирланаётганлиги, обидаларнинг тикланаётганлиги, тарихи батафсил ўрганилаётганлиги, буюк зотлар меросининг эъзозланаётганлиги фикримизнинг далилидир. Ана шундай зиёратгоҳлардан бири "Лангар ота" мақбарасидир. Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги ушбу тарихий ёдгорлик халқимиз тарихининг нурли саҳифаларидан биридир, десак янглишмаймиз.

Лангар ота

Ўзининг илмий асосларини кутмоқда

Шерзод ҚУРБОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ёзувчи, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Қашқадарё вилоят бошқаруви раиси Шарофат Ашурова "Яхшилар тажаллиси" китобида ушбу зиёратгоҳ ҳақида ҳам фикр юритади. Шарофат опанинг ёзишича Лангар отада 360 нафар авлиё ҳамда Яссавия тариқатига ўз ҳиссасини қўшган 123 нафар шайхнинг руҳи покларини мангу қўним топган. Бу ердаги мақбара ва масжид XV

аср ёдгорлигидир. Мустабидлик йилларида Лангар отадан Петербург халқ кутубхонасига катта қисми олиб кетилган Куръони Карим ана шу энг улуғ бисотнинг бири эди. Бу ҳақда тарихий далиллар бор. Лангар ота тарихини эшитган рус тарихчиларидан бири аскарлар ҳамроҳлигида бу ерга ташриф буюради. Шундан сўнг матбуотда бир мақола берилди. Унда Лангар ота киш-

лоғи ўтган замонларда шаҳар бўлган дейилади. Бу қишлоқ маданий ҳолатини сақлаб қолган. У Яқкабоғдан унча узоқ эмас. Албатта вақти келиб бу ерларга ҳам от йўллари ўрнига асфальт йўллари солинар. Лангар ота оддий қишлоқ эмаслиги тўғрисида мазордан турган қабр тошлари гувоҳлик бериб турибди. Лангар ота мақбараси ичида дафн этилган шайхлар қабрлари бош томонига тик ўрнатилган мрамар тошлардаги биттиклар ноёб манбаа ҳисобланади. Биринчи қабр Шайх Абул Ҳасан

ибн Шайх Илёс ибн Шайх Муҳаммад ибн Шайх Худойкулники бўлиб, вафот этган даври ҳижрий 897 йил деб кўрсатилган. Иккинчи қабр Шайх Муҳаммад Содиқ ибн Шайх Абул Ҳасан ибн Шайх Илёсники бўлиб, вафоти 952 йилда, учинчи қабр эса Абул Ҳусайн ибн Шайх Илёс ибн Шайх Худойкулга тегишли бўлиб, вафотлари 967 йил деб қайд қилинган.

Даврлар силсиласи, мустабид замонлар бўҳронлари ушбу қадамжони ҳам четлаб ўтмади. Узоқ йиллар эътибордан четда қолган мақбара таъмирга муҳтож бўлиб қолди. Бу ердаги қабр тошларининг бир қисми исзис йўқолди. 1995 йилга келиб қадамжони илосманд кишилар томонидан ҳар ҳолда таъмирланди. Лангар ота зиёратгоҳини таъмирлаш, атрофини обод қилиш, унга элтувчи йўллари созлаш 2007 йилдан жонланди десак бўлади. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси ва ҳомийлигида тарихий ёдгорлик қайта таъмирланиб, реконструкция, реставрация ишлари бошлаб юборилди. Лангар ота зиёратгоҳининг қадимийлиги, бу ерда халқимиз тарихи билан боғлиқ бой манбалар сақланиб келинаётганлиги мақбаранинг эса таъмирга муҳтож бўлиб қолганлиги ҳақида ОАВда эътиборли курсатувлар, эшиттиришлар берилди. Шу ўринда

"Қашқадарё", "Новости Кашқадарё" газеталари, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқаруви жамғармасининг хизматларини ҳам алоҳида эътироф этиб ўтишни лозим деб билдик. Лангар ота зиёратгоҳи билан боғлиқ муаммоларнинг кўтарилиши, уни таъмирлашга эътибор қаратилиши, тева-рак-атрофининг обод бўлишида ушбу жамоаларнинг маънавий мадади, моддий ёрдамлари беқиёсдир.

Ууллас, дов-дарахтлар яшнаб, зилот булоқлар мавжла-ниб турган тоғ бағрида жойлашган тилсимлар гўшаси - Лангар ота чирой оча бошлади. Зиёратгоҳнинг тоғда жойлашганлиги унга элтувчи йўлларда яна бир қатор сервис ҳамда коммуникация хизматларини ташкил этишни тақозо этади. Ободонлаштириш ишлари давом эттириляётганлиги бу масканнинг янада гуллаб-яшнаши, йўллари раван ва обод бўлишидан дарақ беради. Ҳа, миллат ўз ўтмиши билан барҳаётдир. Ўтмишни ўрганган, татқиқ қилган халқ, келажакни ҳам аниқ тасаввур қила олади. Лангар ота зиёратгоҳининг обод этилиши қадимшунос, арабшунос ва илосмшунос олимларнинг ҳам эътиборини ўзига тортиши шубҳасиз. Чунки ушбу зиёратгоҳ билан боғлиқ кўплаб саволлар ҳамон ўзининг илмий жавобини кутмоқда.

ЎТИТ

Оч кўзингни, боқ, нечук эрмиш ишинг —
Ки, жавобсиз қолмайги бир қилмишинг.

Ул ёмонликдин бири эрмиш ҳасад,
Улки Иблисни йиқитди оқибат.

Жалолдин РҲМШИ

БИЛАСИЗМИ?

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрини маҳаллий аҳоли Баки деб атайди. Шаҳарнинг номи қадимги форс тилидан олинган бўлиб, "бад кубе", яъни "шамол кўп эсадиган" деган маънони англатади. Тарихий солномаларда шаҳарнинг номи илк марта эрамининг VI асрларида пайдо бўлган.

Энг қиммат фильм бугунги кунга қадар "Титаник" ҳисобланади, унга 200 миллион доллар сарфланган. Шундай бўлишига қара-масдан бу фильм аллақачон ўзининг сарфланган харажатларини бир неча баробар оқлаган.

Дунёдаги энг қиммат стадион Париж шаҳри яқинида жойлаш-ган "Stade de France" ўйингоҳи ҳисобланади. Ушбу ўйингоҳнинг қурилишига 460 миллион еврога сарфланган.

Дунёга машҳур "Чўқинтирган ота" фильми гарчи мафия олами ҳақида бўлса ҳам, фильм давомида бирон марта ҳам "мафия" сўзи учрамайди.

Дубайдаги "Burj Al Arab" меҳмонхонасининг энг арзон хонаси-да меҳмон бўлиш 770 еврога тўғри келади. Барча қулайликларга эга бўлган хонани ижарага олишнинг бир кунлик нархи 7700 евро туради.

ТУРФА ОЛАМ

Олча фойдалими?

Мичиган университети олимлари ёзда олча пишмида пишиқдан унумли фойдаланиш керак, дейишмоқда. Олимлар 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган кўнгилли-ёрдамида мевалар илмий тадқиқот ўтказишган. Улар бир чашкадан олча истеъмол қилиб, кейин 12 соатдан сўнг қон топширишган. Шунда олинган маълумотларга кўра, иммун тизимини яхшиловчи антиоксидантнинг ортиши ҳамда қариш процессини камайтувчи қондаги холестерин камайиши кузатишган. Олимларнинг таъкидлашича, қариликда соғлом турмуш кечириш учун ёшлигидан соломатликни асраш ва ўз вақтида олчани истеъмол қилиш зарур.

Телефон гигиенаси

Туркиялик эпидемиологлар инфекциянинг тарқалишида яна бир сабабчини аниқлашди.

Халқаро олимлар гуруҳининг таъкидлашича, жиддий инфекцияларнинг тарқалиши-да 95 фоизга айнан кўл телефонлари сабабчи бўларкан. Даволаниш жараёнида врач ҳамда беморнинг кўл телефонида бактериялар сақланиб қолиб, сўнг ундан фойдаланиши, эшикни ушлаши, қароват, ҳатто пробирка ва ҳужжатларга кўл тек-казганида инфекция тарқалиши юз беради. Тадқиқот муаллифлари, бун-дай нохушликни олдини олиш учун инсон ҳар куни кўл телефонини махсус дезинфекция-ловчи суюқлик билан артиб туриши лозим, дейишмоқда.

Альтинумнинг харитаси



Шу пайтга қадар Альтинум шаҳри фақат-гина тарихий манбалардан маълум бўлиб келган.

Энди олимлар аэрофо-тотасвир ёрдамида ҳозир-ги Венециянинг ёнидаги қадимги Альтинум шаҳри-нинг харитасини яратиш-га муваффақ бўлишди. Улар эраминдан аввалги I асрда қадимги Рим шаҳ-рининг бинолари, девори, йўли ҳақида бир мунча маълумотларни йиға олишган. Мутахассисларнинг фик-рича, қадимги Альтинум-нинг аҳолиси эраминдан аввалги V-VII асрларда бос-қинчилардан жон сақлаш учун яқин орадаги орол-ларга кўчиб ўтишган бўли-ши мумкин.

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
тайёрлади

«AKTIV UNIVERSAL BUSINESS» МЧЖ ёпилиши муносабати билан даъвогарлар 2 ой муддат ичида қуйидаги телефонга мурожаат қилишлари мумкин: 770-74-52

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

Санъатга ошuftа кўнгил

Жорий йилда ҳам мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов қарорига мувофиқ адабиёт, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун юртимиздаги бир гуруҳ иқтидорли қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар. Ушбу юксак мукофотга сазовор бўлган ёшлар сафида сирдарёлик истеъдодли хонанда Камола Пардаева ҳам бор.

Анорбой НОРКУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Камола санъатга жуда эрта қадам қўйди. У Гулистон шаҳри-даги 16-мактабнинг бошланғич синфларида таҳсил олиб юрган кезларидаёқ вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси қошида ташкил этилган "Қалдирғоч" дастасида фаолият кўрсата бошлади. Устози бастакор Бахтиёр Асанов куй басталаган она-юрт, Ватан мадҳи ва беғубор болалик ҳақидаги қўшиқларни куйлаб, қатор кўрик-танловларда голиб-ликни кўлга киритди.

2004 йил Камола учун омадли келди. У Сурхондарё вилояти-нинг Бойсун туманида халқаро ЮНЕСКО томонидан ўтказилган аънавий "Бойсун баҳори" халқаро фольклор-этнографик фестивалида илк бора иштирок этди. Фестиваль кунларида попуклар билан безатилган, миллий либос кийган, қора кўзла-ри шодликдан чақнаб турган қизалоқ Камола Пардаева "Кўзмунчоқ", "Биё-биё" каби миллий қўшиқларни маромига етказиб ижро этди. Камола ижросидаги миллий, шўх қўшиқла-ри, эндидаги миллий либослари хорижлик фольклоршунос олимларни ҳам лол қолдирганди. Камола кейинги йилда ҳам "Бойсун баҳори"да муваффақиятли иштирок этди.

Шу йили Камола халқимизнинг ажойиб санъаткори миллий мумтоз қўшиқлар ижрочиси, Ўзбекистон халқ артисти Комму-на Исмоилова билан учрашди. Коммуна опа Камола ижроси-даги қўшиқларни берилиб тинглади ва унда мумтоз, халқона оҳангларда куйлашга монандлик борлигини сезиб, шогирд-ликка олди. Камола устоз санъаткордан мумтоз қўшиқчилик сирларини, жумладан Хоразм халқ ашула ва рақс лапарларини ўрганди. Коммуна Исмоилова ёш шогирдини, сенга халқимиз-нинг улуғ санъаткорлари йўлини берсан, дея астойдил дуо қилиб, оқ йўл тилади. Табаррук устоз санъаткорнинг дуолари қўллади. Камоланинг санъат йўлидаги парвози янада баланд-лади. Ўтган йили Камола Пардаева Ўзбекистон Давлат консер-ваторияси қошидаги академик лицейга ўқишга кирди. У бугун лицейда санъат сирларини пухта ўрганмоқда. Айниқса, мил-лий қўшиқлар, ашула ва лапарлар ижро этиш борасида мала-ка орттирмоқда.

Камола маданият ва санъат соҳасидаги изланишлари, ютуқларини эътиборга олган Гулистон шаҳар хотин-қизлар қўмитаси уни Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этди. Ёш санъаткор вилоят, республика босқичида қатна-шиб, тенгдош иқтидорли қизлар ўртасида голибликни кўлга киритди.

— Бу юксак унвон менга катта масъулият юклайди, дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Камола Пардаева. — Келажакдаги орзуларим улкан. Янгидан-янги мумтоз қўшиқлар яратиш, миллий санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқчиман.

ФАОЛИЯТ



Ахборот-ресурс маркази

Вилоятда ҳам пешқадамлик қилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги Қаро-рига биноан Бешариқ туман мада-ният ва спорт ишлари қарашли болалар кутубхонаси фонди халқ таълими бўлимига ўтказилиб, янги ахборот-ресурс маркази ташкил қилинди.

Ё.ЭРҒАШЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Замонавий таълим тизими кутубхоналар олдида янги вазифаларни қўйди. Кутубхона китобхонанинг ёрдамчисигина бўлиб қолмас-дан, балки шахсининг ахборот олиш мадания-тини шакллантирадиган восита ўлароқ, маъ-навиятнинг юксалишида ҳам муҳим роль ўйна-моқда.

Бешариқ тумани халқ таълими бўлимига қарашли ахборот-ресурс марказида бугунги кун-да амалга оширилаётган ишлар вилоятда ўр-нак бўларли даражада десак тўғрироқ бўлади.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи-назаридан фарқлани-ши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарликни ўз буйнига олмайди.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г-823, Адади — 4196

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁЕВ
Навбатчи: Сарвар ХУРРАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00.